



# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid\_uz

Ушбу шукхули кунларда барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тиламан.

Рўза кунларида қилинадиган барча ибодатлар, эзгу ният ва амаллар ижобат бўлсин!

Халқимизни, Ватанимизни Яратганнинг узи паноҳида асрасин!

Рамазон ойи барчамизга муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Шавкат МИРЗИЁЕВнинг  
Рамазон табригидан



СИЁСАТ

## ТИНЧЛИК КЕНГАШИ САМАРАСИ

Вашингтон шаҳрида таъсисчи давлатларидан бири Ўзбекистон бўлган Тинчлик кенгашининг биринчи саммити бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида саммитдан ташқари, АҚШ расмийлари ва бир қатор ишбилармонлар билан учрашувлар ўтказди.

Вашингтон шаҳридаги Тинчлик институтида бўлиб ўтган саммит Ҳазо секторини тиклаш, унга гуманитар ёрдам кўрсатиш, ушбу минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига бағишланди. Тинчлик кенгашининг илк йиғилиши халқаро муносабатлар тизимида янги форматдаги мулоқот платформаси сифатида намоён бўлди.

Президентимизнинг мазкур анжуманга таклиф этилиши

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 17-19 февраль кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**



Янги Ўзбекистоннинг дунё сахнасида турли глобал масалаларда фаол ташаббускор сифатида эътироф этилишининг белгисидир. Хусусан, Фаластин-

даги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этиш, можародан жабр кўраётган аҳолининг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш бўйича илгари сурилган так-

лифлар ҳамда кўрсатилаётган гуманитар ёрдам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мазкур нуфузли кенгаш Ўзбекистоннинг тинчликни сақ-

лаш, кўп томонлама ҳамкорлик ва халқаро ишончга асосланган ташқи сиёсати мантиғига мос келади. Бугун Ўзбекистон халқаро миқёсда масъулиятли, ишончли ва тинчликпарвар шерик сифатида қабул қилинади. Шунинг учун мамлакатимизнинг кенгашига қўшилишга таклиф қилиниши жуда ўринлидир.

Бундан ташқари, давлатимизнинг Тинчлик кенгашида иштироки муҳим халқаро масалалар бўйича ўз позициясини самарали ифода этиш имконини беради.

Мазкур ташаббус Марказий Осиё-АҚШ мулоқотини янги стратегик босқичга олиб чиқишга амалий замин яратади. Барча соҳаларда эришилган келишувларни амалга оширишда замонавий дипломатия механизмлари, усул ва воситаларини қўллаш имкониятлари кенгайди.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

ВАТАН МАНЗУМАСИ



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

\*\*\*

Юрт байроғин ҳар жойгамас,  
Кўнглинга эк. Кўксингни ўй.  
Ишлов бергин, юмшатиб тур,  
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.

То бу байроқ, Ватан, нурлар  
Ич-ичингга кетсин кириб,  
Токи ғаним – ватанхўрлар  
Ололмаснилар сугуриб.

Шундай ўргат қулни, хонни,  
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.  
То байроқдан олдин жонни  
Бермак осон кечар бўлсин.

ИЛМ ЙЎЛИ

### КЕЛАЖАК КАЛИТИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, академик  
Дилором ЮСУПОВА билан суҳбат


– Устоз, илмий ишингизни Амир Темур ва Буюк Темурийлар даврига оид ёзма манбалар тадқиқидан бошлагансиз. Кўлёмаларни каталоглаштириш ҳам фаолиятингизнинг катта қисмини ташкил этади. Гапни ушбу мураккаб жараён билан қисқача танишувдан бошласак.

– Тошкент давлат университетининг Шарқ факультетини тугатган, йўлланма билан Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтига ишга юборилдим. Катта авлод олимлари билан ишлаш, кўлёмалар устида меҳнат қилиш мен учун ҳақиқий мактаб бўлди. Илмий ишимда Амир Темур ҳокимиятга келишидан бироз олдинги даврдан бошлаб, унинг ҳукмронлиги ва Темурийлар давом эттирган сиёсий-ижтимоий жараёнлар ўрганилди.

Фасиҳ Хавофийнинг “Мужмали Фасиҳий” асаридан тадқиқот манбаси сифатида фойдаландим. Воқеаларнинг йилма-йил баён қилингани бу асарнинг ўзига хос жиҳатидир. Қайси йили қим тузилган ё вафот этган, қандай ўрешлар бошланган, савдо, қурилиш, тиббиётга оид маълумотлар, ҳатто, табиий офатларга аниқ қайд этилган. 1974 йилда ноёб манба асосида номзодлик диссертациямни ҳимоя қилдим.

(Давоми 4-саҳифада) ➔

ТААССУРОТ



## МУМТОЗ МУҲАББАТ АМЛАКАТИ

Ҳиндистон дейилганда, биз каби ёши улуг инсонлар хотирига беихтиёр “Сангам” бадийий фильми келади. Чунки муҳаббат мадҳига айланган бу фильм экран юзини кўрган йилларда ҳали барча хонадонларда телевизор аталмиш “мўъжиза” йўқ эди. Туман марказидаги ягона кинозалга киришдаги ур-тўполонлар ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Шу боис, маҳаллада кимнинг уйда телевизор бўлса, хонадон соҳибларининг қош-қовоғига қарамай, “Сангам”ни кўришга кириб бораверганмиз...

Фақатгина у эмас, аслида, барча ҳинд фильмлари муҳаббат ҳақидаги соф кўшиқлар бўлиб, тилларда ҳам, дилларда ҳам жаранглари. Бу жаранг кўнглини тўғнага, юракни ўтга солар, кўзларни ёндирар, вужудингизни куйдирарди. Бизнинг болалик тасаввуримизда Ҳиндистон самимий севги салтанати, оташин ошиқлар ошёни, гулдек гўзаллар гўшаси – мумтоз муҳаббат мамлақати бўлиб порлаб турарди. Йиллар ўтиб, кўлимиз китоб кўриб, онгимиз тиниқлашганда, назаримиз тийраклашиб, дунёга қалб кўзи ила боққанамизда, англаб етдикки, Ҳиндистон фақат ишқ-севги юрти эмас, балки дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган чинакам даҳолар диёри ҳам экан.

Шукурим, ёш етмишдан ошганда, бизга ҳам шу кутлуғ ўлкага сафар қилиш насиб этди. Ижодкор борки, кўзи кўрса, кўли қалам қидиради. Шу маънода, кўзимга Ҳиндистон кўрсатган ҳайратни, дилмига ўша машҳури жаҳон – Тож Маҳал тўққан тароват тавсифини азиз юртдошларимга ҳам илингим келди.

### ҲИНД СОРИ ЧОРЛАГАН ИСТАК

Дунёнинг янги етти мўъжизасининг бири Ҳиндистонда ва не бахтки, у бизнинг улуг аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари томонидан бунёд этилган! Каминани ярим асрдан буён Ҳинд сорига чорлаб турган истак – шу хилқатни ўз кўзларим билан кўриш орсуси эди.

Ҳинд диёрида қадимдан илм-фан, айниқса, табиий фанлар тараққий этган. Шу тараққиёт ва илму ҳикмат маҳзанидан баҳраманд бўлиш ниятида Абу Райҳон Беруний 45 ёшида санскрит тилини ўрганган экан. Бу ўлкада кечган ўн икки йиллик ҳаёти маҳсули сифатида “Ҳиндустон” номли китоб яратган. Ибн Сино тиб соҳасидаги чуқур изланишларида ҳинд халқ табобати сирларига мурожаат этган. Амир Темур даврида икки мамлакат ўртасида савдо алоқалари ўрнатилган.

(Давоми 5-саҳифада) ➔

### ФАКТ

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Муборак Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

✓ Душанбеда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича 13-хукуматлараро комиссия йиғилишида Тожикистон Бош вазири Қоҳир Раулзода ва Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.

✓ Саудия Арабистонида ўтказилган велосшоссе бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 1169 очко билан қитъада биринчи ўринни эгаллади.

“JADID” MEХMONИ

ДИЛЕММА:

## ҚАДРИЯТ ёхуд ТАРАҚҚИЁТ?

Токио университети профессори  
Каору ИОКИБЕ билан суҳбат

Токио университети – Япониянинг нуфузли олий ўқув юртларидан бири. 150 йиллик тарихга эга дорилфундула ўттиз минга яқин талаба таҳсил олади. Битирувчи ва профессорлардан 14 нафари Нобель мукофотига сазовор бўлган. Замонавий Япония сиёсати ва дипломатияси бўйича кўзга кўринган мутахассис – профессор Каору Иокибе билан суҳбатимиз университетнинг Шарқ Фарб руҳини ўзида мужассам этган кампусида кечди.

– Атоқли инглиз сиёсатдони Уинстон Черчиллга нисбат берилган шундай нақл бор: “Демократия – бошқаруving ёмон шакли, аммо инсоният ҳамон ундан дурустроғини ўйлаб топмади”. Темир оловда тобланганидек, демократик тартибот ҳам турли синов-имтиҳонларда сайқал топади. Муҳтарам профессор, Япониянинг сиёсий

тадрижи ва ислохотлар тарихини ўрганган олим сифатида бугун мамлакатингиз демократияси олдида турган қай бир муаммони ўта долзарб деб айтган бўлар эдингиз? – Назаримда, ҳозир Япония учун асосий муаммо бу фуқаровий демократиядир.

(Давоми 2-саҳифада) ➔

ОГОҲЛИК

## ГЕОМАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК

### РАДИКАЛИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМНИНГ МЕДИАЛАШУВИ

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар, рақамли платформалар ва виртуал коммуникация тизимида иборат ахборот муҳити геомаънавий таҳдидларнинг замонавий табиатини – онг, дунёқараш ва жамоатчилик фикрига қаратилган ахборот таъсири механизmlарини яққол намоён этади ва бундай таҳдидлар учун қулай инфратузилма ва макон вазифасини ўтайди.

Бу муҳит воситасида ахборотни юқори тезликда тарқатиш, аудиторияни сегментлаш ва контентни алгоритмлар орқали оммалаштириш, ташқи ғоявий таъсирни бардавом жараёнга айлантириб, жамиятда муайян кайфият ва қарашларни шакллантириш ҳамда табиий ҳолат сифатида қабул қилдириш мумкин. Рақамли платформалардаги алгоритм ва таргетинг механизmlари жамоатчилик онига таъсир ўтказиб, ижтимоий муҳокамани қутблаштириш, муайян қарашларга устуворлик юклаш ва ахборот муҳитини



(2-мақола)

парчаланган “ҳақиқатлар” майдонига айлантириш имконини беради.

Шу сабабли, террористик ва экстремистик гуруҳлар радикал ғояларни медиа маҳсулотга айлантирган ҳолда кенг тарқатиш стратегиясини фаол қўллайдими.

(Давоми 3-саҳифада) ➔



# ТИНЧЛИК КЕНГАШИ САМАРАСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Айни пайтда, Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини янада ривожлантиришнинг янги йўналиш ва механизмларини ишлаб чиқишни кун тартибига қўяди.

Вашингтонда давлатимиз раҳбари АҚШ етакчиси Дональд Трамп билан учрашди. Бу икки етакчи ўртасида сўнгги олти ой ичида тўртинчи бор учрашув ўтказилди – шунчаки дипломатик протокол эмас, балки икки давлат ўртасидаги стратегик ишончнинг юқори даражасидир. Бундай жадвал мулоқот Ўзбекистоннинг нафақат Марказий Осиёдаги муҳим ролини, балки глобал инқирозларни ҳал этишда халқаро ҳамжамият учун ишончли шерикка айланганини кўрсатади.

Биламизки, икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил равишда кенгаймоқда. Иқ-

тисодий кун тартиби аънанавий савдодан ташқарига чиқиб, қўшма саноат ва инвестиция лойиҳалари, логистика, фуқаро авиацияси, агросаноат комплекси, металлургия соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, таъминот занжирларини бошқаришда рақамли ва инновацион ечимларни жорий этиш каби янги йўналишларни қамраб олмақда. Ўзбекистон ва Қўшма Штатлар ўртасидаги иқтисодий ва инвестиция алоқалари сўнгги саккиз йил ичида сезиларли ўсиш ва таркибий ўзгаришларни намойиш этгани фикримизни исботлайди.

2018 йилда икки мамлакат президентлари Вашингтонда учрашганида, иқтисодий муносабатлар нисбатан камтарона эди. Уша пайтда 45 та қўшма корхона фаолият юритган, икки томонлама савдо ҳажми тахминан 215 миллион долларни ташкил этган ва йиллик инвестиция оқими 23 миллион доллардан ош-

маган. Саккиз йилдан сўнг вазият кескин ўзгарди.

2025 йилга келиб, Ўзбекистонда АҚШ билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сони 340 тага етди, бу 2018 йилга қараганда деярли саккиз баравар кўп демакдир. Савдо ҳажми тахминан 1 миллиард доллар атрофида, бу саккиз йил олдинги вазият билан таққослаганда, қарийб беш баравар ошганини намойиш этади. Йиллик инвестиция оқими эса 840 миллион долларни ташкил этди – бу рақам 2018 йилга нисбатан 35 баравар кўп.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳозирги алоқалар нафақат товарлар алмашинувини, балки мустақамланиб бораётган саноат ва молиявий ҳамкорликни ҳам англатади.

Президентимиз ташриф домида АҚШ савдо вазири Ховард Латник билан учрашди, Экспорт-импорт банки президенти ва раи-

си Жон Йованович ҳамда Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош ижрочи директори Бэн Блэк, савдо вакили Жеймисон Гринни қабул қилди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари АҚШ ҳукумати ва молия институтлари вакиллари – савдо вакили Жеймисон Грир, Президентнинг махсус вакили Паоло Замполли, Эксимбанк президенти ва раиси Жон Йованович, АҚШ-Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, шунингдек, "Traxys", "Valmont Industries", "Gulf Oil", "Avigen Broiler Breeding Group", "John Deere", "BlackRock Financial Markets Advisory", "Oppenheimer" ва бошқа етакчи компаниялар раҳбарлари иштирокидаги икки томонлама ҳужжатларни имзолашга бағишланган маросим ва қўшма лойиҳалар тақдиротида иштирок этди.

Энг асосийси, Ўзбекистон қисқа вақт ичида савдо ва инвестицияла-

ри чекланган мамлакатдан саноат, молия ва хизматлар соҳасида Қўшма Штатларнинг фаол ҳамкорига айланди, бу қўшма корхоналар, савдо ва инвестициялар оқимининг кескин ўсиши билан тасдиқланади.

Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбари иқтисодиёт Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг асосий таянч нуқталаридан бири эканини таъкидлади.

Қўшма Штатлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари қаторида ўта муҳим хомашё, нефть-кимё, энергетика, қишлоқ хўжалиги, паррандачилик ва бошқа тармоқларни эслатиб ўтиш жоиз. Давлатимиз раҳбари ҳузурида муҳим келишувлар – ёқилги қўйиш шохобчалари тармоғини қуриш, ёғмирлатиб сўғориш технологияларини жорий этиш, муҳим минералларни қазиб олиш ва етказиб бериш, паррандачилик кластерини ташкил этиш, агросаноат, молия бозорини



ривожлантириш ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбарининг Вашингтонга ташрифи – Янги Ўзбекистоннинг дунё саҳнасидаги мустақил, прагматик ва кучли позициясининг тасдиғидир. Ушбу мулоқотлар натижаси ўларок, минтақамизда барқарорлик янада мустақамланади, иқтисодиётимизга инновациялар кириб келади ва халқимизнинг фаровонлиги учун янги имкониятлар эшиги очилади.

Жамолiddин БАДАЛОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Фикримни соддароқ тушунтиришга ҳарат қиламан. Япония аҳоли камайиши ва кексалар сони ортишидек демографик номутаносибликка рўбарў келган. Сайловларда кекса электорат ёшларга қараганда салмоқлироқ тош босади. Ёш авлод наздида эса, жамият уларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлаётди. Бу ҳол, айниқса, кovid пандемияси даврида аяқол сезилди. Чеклов чоралари кексалар ҳаётини кўтаришда асқотган, аммо жисми жонига сиғмаган ёшларга "оёқ-қўлниң иписи боғлаб қўйилиши" хуш келмагани аниқ. Пандемиядан кейин Японияда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишни байроқ этган кўлаб янги партиялар пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас.

АҚШ ва Европада сиёсий муҳокама-лар иммиграция мавзуси теграсида кечса, Япониядаги бирламчи муаммо – авлодлар зиддияти. Бунинг ортидан популистик қарашларни илгари сурувчи партиялар ҳам майдонга чиқаётгани рост, аммо япон демократияси илдизи пойдор дарахтга ўхшайди, умидим шуки, популизм шамоллари унга жиддий дахл эта олмайд.

– Японияда жорий йил 8 февраль кунини бўлиб ўтган парламент сайловида Санаэ Такаичи бошчилигидаги Либерал-демократия партия (ЛДП) ишончли ғалабага эришди. Сизнингча, эндиликда мамлакатда сиёсий иқлим қай тариқа ўзгаради?

– Санаэ Такаичи партиясини электоратнинг салмоқли қисми дастаклади. 2024-2025 йилларда Япония ҳукуматида раҳбарлик қилган Сигэру Исиба ҳамда Санаэ Такаичининг сиёсий дастурини муқояса этсак, собиқ бош вазир сўл қанотга, амалдагиси эса ўнг қанотга мансубдир. Санаэ Такаичи сайловда Вакиллар палатасидаги 300 дан зиёд ўринни кўлга киритиб, сиёсий ҳаракатлар борасида эркинликка эришди. Тарафдорлари Санаэ Такаичи Хитой, Шимолий Корея, эҳтимол, Жанубий Кореяга нисбатан кескин чоралар қўришини кутмоқда, аммо у бундай йўл тутмаслиги мумкин. Шунингдек, у истеъмол солигини камайтиришни айтилмоқда. Аммо Санаэ Такаичи буни ҳам орта суриши ҳеч гап эмас. Албатта, у хато қадамлар сабаб ишонч бой берилиши мумкинлигини теран англайди.

– Япон парламентариизмида Ғарб тамойиллари ва миллий қадриятлар фаёқлобда уйғунлик касб этган, десак муболага бўлмайди. Кунчиқар ўлканинг бошқа давлатларда учрамайдиган қонунчилик аънаналари борми?

– Япония парламенти Ғарб тамойиллари асосида шакллантирилган. Қонунчилик идора-мизани мен "муҳолифат учун жаннат" деб таърифлайман. Парламентда муҳолифат вакили бўлсангиз, ҳукуматга ўнғайсиз саволлар ёқдиришингиз, танқиди эътирозларга кўмиб ташлашингиз мумкин. Таъқиб-таъйиқ ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳукумат ва иқтидордаги партия саҳву хатолари учун уэр сўраши, ҳар бир хатти-ҳаракати юзасидан ҳисоб бериши аънана тусига кирган. Муҳолифат ўз саволларига қониқарли жавоб ола билмаса, қонунчилик ташаббусларини блок-лаб қўйиш ваколатига эга. Ўзаро мувозанатни таъминлайдиган бу тизим XIX асрда шаклланган.

Айрим сайловчилар назарида муҳолифат хархашалари оламжаҳон, аммо қўлидан тайинли иш келмайдиган ёш болага ўхшайди. Муҳолифат ҳокимиятга келсак, гарданидаги вазифани удалай олмаган вақтлар ҳам бўлган-да. Масалан, 2009-2012 йилларда Япония демократик партияси ЛДПни ениб ҳокимиятга келди. Аммо маъмурият шу қадар нўноқ сиёсат юритдики, кўпчилиқнинг ҳафсаласи пир бўлди.

Фикрларимдан муҳолиф партиялар сиёсий ҳаётда аҳамиятсиз экан-да, деган ҳаёлга борманг, асло! Улар бошқарувда хўб тажрибакор бўлмаса-да, демократияни муҳофаза қилиш, халқ манфаатларини тамсил этишда киройи натижаларга эришаётир.

– АҚШда ҳокимиятларнинг ўзаро туйиб туриш принцили амал қилади. Ҳатто, президент ҳам Конгресс "оқ фотиҳаси"сиз анча-мунча ишларга кўл ура олмайд.

– Саволингизга жавоб бериш учун 1945 йилги мағлубият даврини эслаш керак. Япония Иккинчи жаҳон урушида АҚШ, Буюк Британия ва Хитойга қарши курашгани маълум. Мағлубиятдан кейин Япония иттифоқчи кучлар, хусусан, АҚШ қўшини томонидан ишғол этилган. Уша даврда Япония Конституцияси қайта кўриб чиқилди. Урушдан кейин қабул қилинган Асосий қонун ҳозирга қадар ўзгаришсиз сақланиб келмоқда. Япо-

та эди. "Совуқ уруш" хотима топгач ва аҳоли сони ўсиши тўхтагач, бюджет харажатларини камайтириш, ғазнадаги маблағни расамиди билан тақсимлаш зарурати кун тартибига чиқди. 1990 йиллардаги сиёсий ислохот шу эҳтиёж билан изоҳланади.

Ҳозирда марказлашган тизимни амалга татбиқ этмоқдамиз. Ҳукумат раҳбарларининг "қўйдан юқорига" тамойилидан нечоғли фойдаланиши унинг шахсияти, иқтидорига боғлиқ. Синдзо Абэ, Ёсихидэ Суга, Фумио Кисида, Сигэру Исиба каби собиқ бош вазирлар ана шу ёндашувга содиқ қолди. Санаэ Такаичи қандай услубни танлашини вақт кўрсатади. Уйлайманки, у ҳам "қўйдан юқорига" тамойилини афзал кўради. Хуллас, Япония сиёсати ҳамиша жўшқинлиги билан ажралиб туради.

– Иккинчи Жаҳон урушида Япониянинг шаҳру кентлари куллага айланганлиги маълум. Улкан иқтисодий йўқотиш,

миллий даромадни икки баравар ошириш режасини эълон қилароқ, жамоатчиликни иқтисодий ўсиш сари сафарбар этди. Бу эса, ўз навбатида, ЛДП етакчилигидаги ҳукуматга умрзоқлик бахш этди. Зеро, эндиликда сиёсий беқарорлик тадбиркорларни ташвишу хавотирга солмас эди...

– Глобаллашув деб аталган ўпқон аксар миллатларни ўз домига тортмоқда. Боз устига, универсал либерал қарашларнинг босими ортмоқда. Япония XIX асрда, Мэйдзи ислохотлари давридаёқ "Вакон-ёсай", яъни "японча руҳ, ғарбона билимлар" тамойилини илгари сурган эди. Бу тамойил ҳозир ҳам амалдами? Улуғ мутафаккир Жалолiddин Румий: "Ҳар нечук муяссарият – маҳрумият, ҳар нечук маҳрумият – муяссарият", дея ўғит берган. Аллақачон инсоният изну ихтиёридан чиқиб кетган глобаллашув япон миллий ўзлигига қай даражада таъсир кўрсатмоқда?

лар айтгани маъқул. Миллий ўзига хосликни сақлаш муҳимлигини Япония ҳукумати ҳам яхши тушунади. Шу боис, сўнгги вақтларда миллий фильмлар, аниме, манга каби санъат йўналишлари кўлаб-қувватланмоқда. Гап айлиб, яна демографияга тақалади. Нуфус қисқараётган паллада миллатнинг айниятини муҳофаза қилиш янада долзарб аҳамият касб этади.

– Аммо бугун ривожланаётган давлатлар миллий қадриятлар ва замонавий тараққиётдан бирини танлашдек мушкул дилеммага дуч келаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди-да...

– Капитализм муҳитида олди-сотди муносабатлари бамисоли жамиятнинг қон томири ҳисобланади. Молим хариддориг бўлсин, десангиз, марҳамат, ўхшаши йўқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Глобаллашган дунёда ошмигингиз олчи бўлмоғи учун ўз кадриятларингизни ҳам сақлаб қолишингиз муҳим. Аслида, глобаллашув ва миллий қадриятлар бир-бирига зид эмас, билъакс, бир-бирини тақозо этади.

Кутблашаётган дунёда тик оёқда қолмоқ учун миллат ўзи сув ичган булоқларни мусаффо ҳолда сақлаб қолмоғи шарт. Япон жамияти ҳам бу масалага ҳассослик ила ёндашади. Масалан, "Daikin" брендида мансуб кондиционерларнинг бутун дунёда, хусусан, Ҳиндистонда бозори қаққон. Боиси, маҳсулотлар японча сифат асосида, илғор усулларда ишлаб чиқарилади. Ҳиндистон улкан давлат бўлиб, турли минтақаларда фарқли об-ҳаво кузатилади. "Daikin" ширкати эса ҳар бир минтақа учун ўзига хос хусусиятларга эга маҳсулот тақлиф этади. Демак, глобаллашув даврида пешқадам бўлмоқни истаган мамлакат ёлғизоёқ йўлдан юриб, илгари ҳеч ким забт этмаган чўқиларни эгаллаши керак.

– Япония Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон билан робиталарни мустақамламоқда. 2025 йил 20 декабрь кунини Токио шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё + Япония" мулоқотининг биринчи саммити ҳамкорликнинг янги саҳифасини очди. Назаримизда, геосиёсий беқарорлик замонида ўзаро алоқаларнинг аҳамияти янада ортмоқда...

– Япониянинг оддий халқ вакиллари ҳозирча минтақанинг аҳамиятидан тўлиқ воқиф бўлмаслиги мумкин. Негаки, ўртаимизда каттагина жүрғофий массафа бор. Япония гирдо-гирди сув билан ўралган ороллардан иборат давлат эканини ҳам унутмаслик керак. Аммо зиёлилар, сиёсий етакчилар Марказий Осиёнинг стратегик аҳамиятини теран англайдилар. Минтақа Хитой ва Россия ўртасида мувозанат нуктаи назаридан ҳам муҳим ўрин тутаяди. Марказий Осиё барқарорлиги Шарқий Осиёдаги лойиҳалар учун ҳам зарурдир.

Марказий Осиё давлатлари билимли, интеллектуал даражаси юқори мутахассисларга бой. Япония меҳнат бозорига тақлиқ қилиш қузатилаётган иннобатга олинса, минтақанинг иқтидорли мутахассисларини ишга тақлиф этишдан ҳар икки томон ютади. Табиий ресурслар, нодир маъданлар ва энергетика манбалари билан боғлиқ ҳамкорлик ҳам истиқболли, албатта.

Боя айтганимдек, оддий японлар Марказий Осиё ҳақида у қадар кўп маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Аммо бу муваққат ҳолат, ишонманки, борди-келди фаоллашар экан, халқларимиз бир-бири билан қошу кўздек яқин бўлиб кетади.

– Муҳтарам профессор жаноблари, Сизга Ўзбекистонлик муштарийларимиз номидан каттадан-катта раҳмат айтганимиз ва мустақам тани сиҳатлик тилаймиз!

Собир САЛИМ суҳбатлашди.

## ДИЛЕММА:



ния Вазирлар Маҳкамасида британча тизим жорий этилган. Парламентда эса АҚШ таъсирини сезиш мумкин. Қайд этганингиздек, Қўшма Штатларда ҳокимиятларнинг бўлиниши тамал ғоя ҳисобланади. Бу эса инглиз тизимига асосланган Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида номувофиқлик келтириб чиқариши мумкин. Аъзолари кўпчилиқни ташкил этиши ваҳидан Вазирлар Маҳкамаси парламентни назорат қилиши керак, аммо АҚШ аънаналари боис, Япония парламенти Вазирлар Маҳкамасидан анчагина мустақил. Сираси, сиёсатда АҚШ ва Британия аънаналари ялақатмағиздек қўшилиб, омухта бўлиб кетган.

Японияда ЛДП узоқ вақтдан буюн иқтидорда. Оддатда, бирор қонун лойиҳаси ҳозирлангач, партиянинг ичида ҳижжалаб муҳокама этилади. Аммо муҳокама яқунланиб, қонун парламент ҳукмига ҳавола этилар экан, сиз партия аъзоси сифатида уни кўлаб-қувватлашингиз керак. Жараён "қўйдан юқорига" тамойили асосида кечади. Бу, маълум маънода, бош вазирнинг таъсири сусайишига олиб келади. "Қўйдан юқорига" тамойили "совуқ уруш" даврида ўзини оқлади, зеро, у кезлар солиқ тушуми, даромад кўлами кат-

инсоний талафотларга қарамай, мамлакатини нисбатан қисқа муддатда оёққа турди, тараққиёт пиллапожларидан дадил юқорилади. Сизнингча, япон иқтисодий мўъжизасининг сирини нимада?

– Иқтисодий ўсиш учун уч омил зарур: мўл-кўл арзон ишчи кучи; ташқи капитал ва технологиялардан фойдаланиш имконияти; йирик сармоа қалити бўлиши ишбилармонлик руҳи. Ушбу уч омил вобаста бўлса, мамлакат иқтисодиёти равақ топади. Уларни сиёсий кашшофлик билангина таъмин этмоқ душвор. Аммо сиёсат аҳли ушбу шартларни рўёбга чиқаришга кўмак бериши мумкин – бунга урушдан кейинги Япония ёрқин мисол.

Биринчи шарт. Япония урушга қадар энгил саноат маҳсулотлари экспорти эвазига тараққий этишга урингани боис, миллий даромадининг чўғи паст эди. Урушдан кейин таркиб топган янги саноат йўналишлари қишлоқ жойлардаги ишчи кучини оҳанрабо каби ўзига тортиди. Иккинчи шарт. Қўшма Штатлар "совуқ уруш"да ғалаба қозонишининг стратегик шартин ўлароқ, япон иқтисодиёти-ни ривожлантириш борасида азму шижоат намойиш этди. Учунчи шарт. 1960 йилда ҳокимиятга келган Ҳаято Икэда маъмурияти

– Бу ҳамиша мушкул-мураккаб масала бўлиб келган. Сиз зикр қилган Мэйдзи реставрациясидан кейин Японияда ғарблашув ва миллий қадриятлар ўртасида олтин ўрталлиқни топиш талаби кун тартибига чиқди. XIX асрда Париж, Лондон, Чикаго каби йирик шаҳарларда умумжаҳон кўргазмалари ташкил этилган эди. Япон сиёсий етакчилари, зиёлилари турли давлатлардаги кўргазмаларга ташриф буюриб, ғарблашувнинг умумэтироф этилган андозаси йўқлигига ишонч ҳосил қилганлар. Дейлик, ўша кезлар Бельгия Франция билан, Франция эса Германия билан ўзаро рақобат қилган. Ғарбча услубни кўр-кўрона қабул қилиш тараққиёт эмас, таназзулга етаклаши тайин эди. Шу боис, япон ўзлигини сақлаб қолган ҳолда тараққиёт неъматларидан баҳраманд бўлмоқ йўли тутилди. Образли айтганда, Япония жаҳон чаманзорига ўзининг хушбўй гулларини туҳфа этди.

Япония бугун ҳам қудратли "юмшоқ куч"га эга. Қурраи арзинг турли эл-элатлари ўлкамизга сафар қилишни истади. Кўпчилик Японияни АҚШ ва Европадан фарқли муҳитга, тоза-озода маконга эга давлат, деб билади. Чиндан ҳам шундайми? – хулосани ўзга-



## Бошланиши 1-саҳифада.

Масалан, ўзини аънавий ислом таълимотига таянаётгандек кўрсатаётган, ammo мазмунан сиёсий-ғоявий мақсадларни илгари сурувчи "сохта салафийлик" тарафдорлари рақамли платформалардан фаол фойдаланмоқда. Рақамли муҳитдаги радикал ғоялар "Соф исломга йўл", "Асл динни тиклаш", "Бидъатларга қарши кураш", "Ҳақ йўлга қайтиш" каби қаҳриқлар билан тақдим этилмоқда. Ушбу тарғибот шакли зўравонлиқни тўғридан-тўғри тарғиб қилмасдан, аввало, дунёқарашни ўзгартиришга қаратилгани билан хавфли ҳисобланади. Радикал мазмундаги контентлар кўпинча қисқа видео, "савол-жавоб" тарзидаги чиқишлар, подкастлар ёки ижтимоий тармоқлардаги шарҳлар орқали тарқатилади. Уларда давлатчилик, қонун устуворлиги ва жамиятнинг дунёвий асослари очик инкор этилмасдан, "иккинчи даражали", "ноҳақ" ёки "ботил тизим" сифатида шубҳага олинади. Шу тариқа, аудитория онгида қонунга эмас, балки муайян диний талқинга итоат шакллантирилади.

Европа Иттифоқи доирасида олиб борилаётган институционал таҳлиллар онлайн радикал тарғибот ва рақамли экстремизм "назарий хавф" эмас, реал, тизимли таҳдид эканини тасдиқлайди. Хусусан, Нидерландиянинг Гаага шаҳрида жойлашган EuroPol – Европа Иттифоқининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик агентлиги томонидан эълон қилинадиган йиллик EU Terrorism Situation and Trend Report (Европа Иттифоқида терроризм ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳисоботи)да рақамли муҳит террорчилик ва экстремистик фаолият миқёси ҳамда динамикасини тездлаштирувчи асосий омиллардан бири сифатида қайд этилган.

Европа Комиссияси ҳузурида фаолият юритувчи Radicalisation Awareness Network (Радикаллашувдан хабардорлик тармоғи) доирасида тайёрланган таҳлилларда ҳам онлайн радикаллашувнинг қўламини ва шакллари ҳақида чуқур маълумотлар келтирилган. Хусусан, эксперт Жо Уиттатер томонидан тайёрланган "Online radicalisation: what we know" ("Онлайн радикаллашув: биз нима биламиз?") номли таҳлилий ҳужжатда интернет радикаллашув учун марказий майдонга айланган алоҳида қайд этилади. Айниқса, ўнг радикал экстремизм (миллат, ирқ, дин ёки маданий устунлик ғояларига таянган ҳолда, демократик қадриятларни инкор этувчи, жамиятда нафрат, камситиш ва зўравонлиқни оқлашга мойил бўлган сиёсий-ғоявий радикал қарашлар ва фаолиятлар)нинг рақамли платформалар орқали оммалашуви хавфсизлик учун жиддий таҳдид сифатида баҳоланади.

БМТ ва халқаро хавфсизлик тузилмаларининг ҳисоботларига кўра, ИШИД ташкилоти интернет ва ижтимоий медиа платформаларини тарғибот, кўрқув таъсирини кучайтириш ва оғдириш воситаси сифатида тизимли равишда қўллаб келган. Бунда ижтимоий тармоқлар, видео-платформалар, форумлар ва ёллик каналлар орқали профессионал даражада тайёрланган видео, журнал, инфографик материаллар ва широрли контентлар тарқатилиб, зўравонлик – "қаҳрамонлик", "адолат" ёки "муқаддас бурн" сифатида талқин қилинган. Бу эса рақамли муҳитда радикаллашувнинг трансчегаравий характер касб этишига олиб келган.

"Арабистон ярим оролидаги "Ал-Қоида" бўғини ўзининг "Inspire" электрон журнали орқали радикал ғояларни ғоявий жиҳатдан асослаб, ташқи аудиторияга мослаштирилган мотивацион қаҳриқлардан фойдаланади. Журнал мазмун жиҳатидан радикаллашувни рағбатлантирувчи мақолалар, зўравонлиқни оқловчи таҳлиллар ҳамда амалий кўрсатмаларни ўз ичига олиб, мустақил ҳаракат қилувчи шахсларни ("якка террористлар") ғоявий жиҳатдан тайёрлашга хизмат қилади (EuroPol. EU Terrorism Situation and Trend Report (TE-SAT). European Union Agency for Law Enforcement Cooperation). Бу ҳолат радикал тарғиботнинг аънавий ташкилий шакллardan ташқарига чиқиб, индивидуал онга қаратилган медиа стратегияга айланганини кўрсатади.

Сомалида фаолият юритувчи "Ал-Шабаб" экстремист ташкилоти ҳам рақамли тарғиботни фаолиятнинг асосий йўналишларидан бирига айлантирган. Ташкилот ўзининг Ал-Катаиб медиа фонди орқали профессионал видео ва аудио маҳсулотлар, интервьюлар, баёнотлар ҳамда ҳужумларнинг тасвирларини тарқатиб келади. Марказ ишлаб чиққан контентлар маҳаллий ва халқаро аудиторияга йўналтирилган бўлиб, уларда зўравонлик "қаршилик", "ҳимоя" ёки "динни сақлаб қолиш" широрлари билан оқланади. Бу эса рақамли муҳитда радикал ғояларнинг тез тарқалиши ва геомаънавий таъсир доирасининг кенгайишига хизмат қилади.

Радикал ғояларнинг медиалашуви ва ахборот технологиялари орқали оммалашуви шиглик илоҳиёт мактаби замида вужудга келган ва вақт ўтиши билан муайян сиёсий-мафкуравий йўналиш касб этган "Шерозийлар" ҳаракати фаолиятида ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Бу ҳақда сиёсатшунос олим Ў.Ҳасанбоев "Шерозийлар" ҳаракати фаолиятининг айрим жиҳатлари" номли рисоласида батафсил таҳлил ва мисолларни келтириб ўтган. Муаллиф таъкидлаганидек, ҳаракат ўз ғояларини кенг аудиторияга етказишда сунъий йўлдош телеканаллари, интернет платформалари ва ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланиб келмоқда. Хусусан, АҚШда рўйхатдан ўтган Imam Hussein Television Network медиа гуруҳи орқали Hotbird, Nilesat, Turksat ва Yahsat сунъий йўлдошлари, шунингдек, YouTube, Facebook, Instagram, TikTok платформалари орқали контентлар тарқатилиши ушбу ҳаракатнинг трансчегаравий медиастратегияга эгаллигини кўрсатади. "Шерозийлар" ҳаракати радикал ғояларнинг медиалашуви муайян



# ГЕОМАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК

конфессияга хос эмас, балки ахборот муҳити ва технологиялар билан уйғунлашган универсал жараён эканини исботлайди. Бу ҳолат геомаънавий таҳдидларга нисбатан бир томонлама ёндашув етарли эмаслигини, балки барча диний, мафкуравий ва сиёсий йўналишларда намоён бўлиши мумкин бўлган медиарадикализи механизmlарини комплекс таҳлил қилиш зарурлигини аниқлатади.

Радикал ғояларнинг медиалашувида "Ҳизб ут-Тахрир" ҳаракатининг ахборот стратегиясига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ушбу ҳаракат зўравонлиқга тўғридан-тўғри қаҳирмасдан, асосан мафкуравий таъсир орқали жамиятдаги мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий тартибни легитимизлаштиришга уринади. Рақамли муҳитда бундай ғоялар электрон журнал, онлайн бюллетен, видеомарузалар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар орқали тизимли равишда тарқатилади. Мазкур контентларда "уммат" концепти марказга қўйилиб, миллий давлатчилик, фуқаролик идентификацияси ва суверенитет иккинчи даражали тушунчалар сифатида талқин этилади. Бу эса аудиторияда миллий мансублик ҳиссини оғдиштириш, давлат институтларига нисбатан ишончли заифлаштириш ва мафкуравий парокандаликни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Айниқса, ёшлар орасида сиёсий ва ҳуқуқий билимлар етарли даражада шакланмаган шaroитда, бундай ғоялар "муқобил адолат модели" сифатида қабул қилиниши мумкин.

Радикал тарғиботнинг медиалашувида кенг қўлланадиган усуллардан бири – бинар схема асосида фикр юритишдан иборат. Бу схемада дунё "ҳақ ва ботил", "мўмин ва кофир" каби қарам-қарши қутбларга ажратиб кўрсатилади. Бундай соддалаштирилган риторика мураккаб ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий масалаларни чуқур таҳлил қилиш имконини чеклаб, эмоционал қабулни устувор қилади. Бинар ёндашув қисқа роликлар, таъсирчан иборалар ва қатъий ҳужум шаклида тақдим этилиб, аудитория онгида "муросасизлик" ҳолатини шакллантиради. Натижада, танқидий фикрлаш ва муқобил қарашлар борасидаги қобилият заифлашиб, жамиятда кутблашуви кучаяди.

Диний радикал медиатарғиботнинг геомаънавий таҳдидлар тизимида энг хавфли шакллardan бирига айланганининг асосий сабаби, унинг инсон онги, ахлоқий мезонлари ва маънавий эътиқодида бевосита таъсир кўрсатиш қобилиятидадир. Бу жараёнда дин маънавий баркамоллик воситаси эмас, балки жамиятни кутблантириш, давлат институтларига нисбатан ишончли заифлаштириш ва ҳуқуқий меъёрларни нисбийлаштириш учун мафкуравий қуролга айналади. Шу боис, диний-радикал медиатарғиботта давлатчилик, ҳуқуқий тартиб, миллий бирлик ва ижтимоий барқарорликка дахлдор бўлган стратегик таҳдид сифатида қаралиши лозим.

## ТАҲДИДЛАР ҚАРШИСИДАГИ ЗАЙФЛИК НИМАДА?

Ташқи ахборот-мафкуравий таъсирнинг самарадорлиги фақат унинг технология ёки медиа имкониятлари билан чекланмайдиган. У, аввало, жамият ичида мавжуд бўлган маънавий, маърифий ва институционал зайфликлар билан бевосита боғлиқ. Айна шу зайфликлар ташқи ғоявий таъсирнинг қабул қилиниши, ички муҳитда мустаҳкамланиши ва айрим ҳолларда қўллаб-қувватланиши учун қўлай ижтимоий-психологик замин яратаяди. Шу боис, геомаънавий таҳдидларни тўлиқ аниқлаш учун уларни дастакловчи ички шарт-шароитларни тизимли равишда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

**Биринчи ички зайфлик** – миллий-ижтимоий қадриятлар тизимининг заифлашуви билан боғлиқ. Миллий урф-одатлар, оилавий қадриятлар, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, каттага ҳурмат ва кичикка иззат каби негиз маънавий асосларни қадрсизлантиришга қаратилган ахборот таъсир натижасида, жамиятда индивидуализм, лоқайдлик ва маънавий бўшлиқ кучайиши мумкин. Бундай маънавий бўшлиқ шароитида ижтимоий

бирлик заифлашиб, ҳар қандай бузғунчи ғоя учун "қўлай муҳит" юзага келади.

**Иккинчи зайфлик** – мафкуравий бўшлиқ ва танқидий фикрлашнинг етишмаслигидан иборат. Қатъий миллий мақсадлар ва қадриятлар тизими шакланмаган, таҳлил қилиш ва солиштириш қобилияти ривожланмаган жамиятда манипулятив ахборот қаршилиқсиз қабул қилинади. **Учинчи ички зайфлик** – ҳуқуқий саводсизликдир. Ҳуқуқий саводи бўлмаган кишилар қонунга тартиб ва ҳимоянинг кафолати деб эмас, балки четлаб ўтиш мумкин бўлган тўсиқ сифатида қарайди. Бу ҳолат "ўзбошимча адолат"ни оқлаш, ҳуқуқий меъёрларга нисбатан нисбий муносабатнинг шаклланиши ва радикал қаҳриқларга мойиллиқнинг орттишига сабаб бўлади.

**Тўртинчи ички зайфлик** – диний контентлардаги манипулятив талқинларни ҳақиқат сифатида қабул қилишда кўринади. Диний мавзудаги видео, маъруза, сериал ёки ижтимоий тармоқлардаги чиқишларни илмий ва ҳуқуқий асосларсиз қабул қилиш айрим ёшларда "қонунга бўйсунмиш шарт эмас", деган ҳулоса шаклланишига олиб келади.

**Бешинчи ички зайфлик** – миллий тарих ва давлатчиликка оид масалаларнинг бир томонлама талқинларига нисбатан лоқайдлик. Миллий ғоя ва тарихий хотира заифлашган шароитда ташқи ахборот маконида давлатчиликни "тасодифий", "сунъий" ёки "муваққат" деб кўрсатувчи қарашлар осон илдиш мумкин. Агар бундай талқинларга ўз вақтида илмий ва асосли жавоб қайтарилмаса, ёшлар орасида миллий ўзлик, суверенитет ва давлатчиликнинг легитимлигига нисбатан шубҳа кучайиб, жамиятда ишонч муҳити заифлашади.

**Олтинчи зайфлик** – ижтимоий адолатсизлик ҳисси ва норозилик кайфиятининг кенг тарқалишидан келиб чиқади. Ишсизлик, ижтимоий тенгсизлик, камситиш ёки коррупция каби муаммолар аҳолида норозилик ва умидсизликни кучайтиради. Бундай психологик ҳолат радикал гуруҳлар учун "тайёр муҳит" вазифасини ўтаб, бузғунчи ғояларни "адолат" ниқоби остида тарқатиш имкониятини кенгайтиради.

**Еттинчи зайфлик** – диний тушунчаларнинг сиёсийлашуви ва диннинг мафкуравий воситасига айланганига намоён бўлади. Диний меъёр ва қарашларни давлат ва қонун устуворлигидан юқори қўйиш дунёвий давлат тамойилларига бевосита таҳдид солади.

**Саккизинчи** – миллий ўзликнинг заифлашуви. Давлат тили, миллий маданият ва тарихий хотира ни қадрсизлантирувчи ахборот таъсирларига нисбатан лоқайдлик жамиятнинг маънавий барқарорлиги учун жиддий хавф тўғдиради. Негаки, миллий қадриятлар, давлат тилининг ижтимоий мавқеи, маданий мерос ва тарихий хотира жамият ва давлат мавжудлигининг асосий маънавий таянч устунлари ҳисобланади.

**Тўққизинчи ички зайфлик** – сиёсий ва геосиёсий саводсизлик, институционал онгининг етарли шакланмагани тўғрисида юзага келади. Давлат бошқаруви тизими, давлат органларининг ваколатлари ҳамда қарор қабул қилиш механизмларини чуқур аниқлаш маънавий аҳолини популистик широрлар, асоссиз қаҳриқлар ва манипулятив сиёсий контент қаршиида ҳимоясиз қолдиради. Натижада, мураккаб сиёсий жараёнлар соддалаштирилган ва ҳиссий талқинлар асосида қабул қилиниб, жамоатчилик фикри осон бошқариладиган ҳолатга келиб қолади. Бундай шароитда суверенитет, ташқи сиёсат ёки хавфсизликка оид масалалар манипулятив талқин қилиниб, аҳоли онгида нотўғри тасавурлар шаклланиши мумкин.

**Учинчи ички зайфлик** – геосиёсий саводсизликда. Инфляция, энергия нархлари, логистика, бозор қонуниятлари каби иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини аниқлаш маънавий аҳоли қайфиятини осон манипуляция қилиш имконини беради. Бунда нарх-наво ошиши, ишсизлик ёки товар танқислиги каби омиллар айрим манфаатдор субъектлар томонидан "сиёсий қурол"

сифатида ишлатилиб, норозилик кайфиятини кучайтириш ва давлатга нисбатан ишончли сайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Навбатдаги зайфлик геомаънавий ахборот хуружига қарши турувчи медиа марказларнинг ривожланмагани билан боғлиқ. Жамиятда ахборот-мафкура таъсирларини тизимли таҳлил қила оладиган, тезкор жавоб берадиган ва самарали контр-нарратив, яъни зарарли ғояларга қарши қўйиладиган, воқеликни содда, тушунарли ва ишончли тарзда изоҳлаб берувчи муқобил материаллар яратадиган профессионал медиа марказларнинг етишмаслиги охири-оқибат жиддий ижтимоий муаммоларнинг илдиш отишига сабаб бўлади.

Бундай инфратузилманинг зайфлиги натижасида турли манбалар орқали кириб келаётган ғоявий контент ўз вақтида фож этилмайди, танқидий таҳлил қилинмайди ва жамоатчиликка асосли тушунтириш берилмайди. Натижада, вужудга келган ахборот бўшлиғи манипулятив хабарлар, радикал қаҳриқлар ва ташқи ғоялар билан тўлади. Айниқса, ижтимоий тармоқларда фаол бўлган ёшлар аудиториясига мос тил ва форматда ишлайдиган миллий медиа платформаларнинг етишмаслиги ташқи ахборот таъсирини кучайтиради. Бу ҳолат глобал ахборот маконида миллий позициянинг суст эшитилишига, ташқи ва радикал талқинларнинг устунлик қилиши ҳамда маҳаллий аудиториянинг ўз қадриятлари ва диний тушунчаларини манипулятив манбалар орқали аниқлашга мажбур бўлишига олиб келади. Оқибатда, жамиятда маънавий ва диний кун тартибининг белгилари ташаббуси миллий институтлар қўлидан чиқиб, ташқи ахборот ва мафкуравий марказлар таъсирини ўтади. Бу эса геомаънавий хавфсизлик нуктаи назаридан ўта жиддий стратегик заифликдир.

## ОНГ УЧУН ҚУРАШДА ЮТҚАЗИШ МУМКИН ЭМАС

Таҳлиллардан кўринадики, геомаънавий хавфсизликни таъминлаш эпизодик чоралар билан эмас, балки тизимли ёндашув билан амалга оширилиши шарт. Хусусан, бир қатор стратегик чоралар қўриш, аввало, ахборот, таълим, маданият, дин ва рақамли сиёсатни уйғунлаштириш ва профилактик ёндашувга асосланган ягона миллий стратегияни ишлаб чиқиш зарурати бор. Жамиятда танқидий фикрлаш ва медиасаводхонликни устувор йўналиш сифатида ривожлантириш талаб этилади. Токи, ёшлар ахборотни фарқлаш, манбани текшириш ва манипуляцияни аниқлаш кўникмасига эга бўлсин. Қолаверса, диний соҳа вакиллари фақат ўз йўналиши билан чекланмасдан, ҳуқуқий давлат тамойиллари, миллий тарих, геосиёсий жараёнлар, ахборот ва медиакоммуникация кўникмаларини ҳам пухта эгаллашлари учун соҳада кадрлар салоҳиятини кучайтириш ва малака ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида мувофиқдир.

Геомаънавий таҳдидларни доимий мониторинг ва таҳлил қилиш тизимини жорий этиш эса ахборот муҳитидаги тенденциялар, радикал дискурслар ва манипулятив контентни эрта аниқлаш ҳамда профилактик чораларни ўз вақтида қўриш имконини беради.

Жамиятнинг маънавий иммунитетини оширувчи энг муҳим чоралардан бири сифатида, давлат тили, миллий маданият, тарихий хотира ва фуқаролик идентификациясини мустаҳкамлашга қаратилган контентлар, таҳлил ва тезкор муносабатни таъминловчи платформа бўлган онлайн телерадиоканал, электрон газета ва наشريётни қамраган миллий медиа марказни шакллантириш лозим. Ушбу муассаса, энг аввало, ахборотни чуқур қайта ишлаш, шакллантириш, унга психологик таъсирни сингдириш имконини беради. Қолаверса, ҳуқуқий, сиёсий, геосиёсий ва геосиёсий саводхонликни ошириш, давлат тили, миллий маданият, тарихий хотира ва миллий қадриятларни илгари суриш, илм-фан, касб-хунар ва меҳнат маданиятини тарғиб қилиш, радикализм, экстремизм, терро-



Абдулҳамид МУХТОРОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси

ризм, миссионерлик, прозелитизм, наркомания, коррупция, миллатчилик ва этномиллатчиликка қарши ахборот курашини ташкил этиш, шунингдек, соғлом диний қарашлар, аънавий ислом таълимоти ва маънавий баркамолликни оммалаштириш каби стратегик йўналишларга хизмат қилади.

Медиа марказ таркибидаги онлайн телерадиоканал рақамли муҳитда энг тезкор ва таъсирчан формат вазифасини ўтади. Жонли эфирлар, таҳлилий кўрсатувлар, диний-маърифий дастурлар ҳамда тарихий-сиёсий контентлар орқали у жамоатчилик онгига бевосита таъсир ўтказиш, долзарб мавзуларга зудлик билан муносабат билдириш ва мувозабатли дунёқарашни шакллантириш имконини беради. Айниқса, қисқа видеолар ва визуал форматлар устун бўлган рақамли муҳитда телерадиоканал ёшлар аудиторияси билан мулоқот қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Электрон газета (онлайн нашр) эса ўқувчига чуқур таҳлил, мантқиқий изоҳ ва тизимли фикрнинг етказишига ўта муҳим. Соғлом тафаккурни ривожлантиришга қаратилган мақолалар, таҳлиллар ва эксперт фикрларини мунтазам эълон қилиш орқали электрон нашр аудиторияда танқидий фикрлашни шакллантиради. Медиа марказдаги наشريёт бўлими узок муддатли маънавий таъсирни таъминловчи муҳим таркибий қисм бўлиб, китоб, альбом, рисола, инфографик ва тарқатма материаллар орқали миллий қадриятлар, тарихий хотира ва соғлом диний қарашларни тизимли ва илмий асосда оммалаштириш имконини беради.

Бугун ахборот матн шаклидан ташқари, мультимедиа, маълумотли таҳлил, интерактив таълим ва рақамли хизматларга ҳам айлантирилмоқда. Шу нуктага назардан, марказлашган медиа марказлар аънавий оммавий ахборот воситаларига нисбатан кенроқ ва мослашувчан имкониятларга эга. Бундай муассасалар ахборотни тарқатишдан ташқари, уни таҳлил қилиши, қайта шакллантириши ва мақсадли аудиторияга мослаши мумкин. Бу эса радикализмга қарши кураш, контр-нарратив яратиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий ва маданий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Медиа марказлар ахборотни матн, видео, аудио, интерактив платформалар ва API (дастурлар ўртасида маълумот ва функцияларни стандарт қоидалар асосида алмашишга хизмат қиладиган интерфејс) асосида рақамли хизматлар орқали тарқатади. Бундай ёндашув ахборотни турли аудитория гуруҳларига мослаштириш имконини беради.

Аънавий ОАВ, одатда, кенг ва нисбатан статик аудиторияга йўналтирилган. Медиа марказлар эса сегментланган ва персоналлаштирилган аудитория билан ҳам ишлаш олади. Самардорликни баҳолаш масаласида ҳам фарқ мавжуд. Аънавий ОАВда бу имкониятлар чекланган, медиа марказлар фойдаланувчиларнинг реал вақтдаги ҳулқ-атворини, контент қамрови ва форматлар самарадорлигини аниқ ўлчайди. Натижада стратегияни тезкор янгиллаш ва оптималлаштириш имконияти юзага келади.

Таҳқиқотлар мультимедиа ва интерактив форматларда тақдим этилган контр-нарративлар радикал ғояларга нисбатан кучлироқ таъсир қилишини кўрсатади. Контр-нарративлар яратишда якка турдаги ОАВ таъсири кўпинча маҳаллий даражада қолади. Медиа марказлар эса контр-нарративларни стратегик режалаштириш, тарғибланган аудиторияга йўналтириш ва рақамли каналлар орқали самарали тарқатиш имконига эга. Медиа марказлар онлайн трендларни мониторинг қилиш, хавф гуруҳларини аниқлаш ва тезкор интервенция сценарийларини ишлаб чиқиш имкониятига ҳам эга. Бу радикал контентлар маъно ва жанр жиҳатидан тез-тез ўзгариб турадиган шароитда, айниқса, муҳим. Шу боис, БМТ экспертлари ахборот хавфсизлиги ва зўравон экстремизмнинг олдини олиш соҳасида маълумотга асосланган ёндашувни тавсия қилади. Медиа марказлар орқали интерактив ҳуқуқий курслар, факт-чекнинг платформалари ва визуал изоҳлар ишлаб чиқилиб, фуқароларда танқидий фикрлаш ва ҳуқуқий саводхонлик шакллантирилиши мумкин.

Геомаънавий хавфсизлик давлат сиёсати, жамият маънавий барқарорлиги ва миллий хавфсизлик манфаатлари туташган стратегик нукта. Ундаги кечкиш ёки лоқайдлик нафақат ахборот майдонида, балки жамият онгида ҳам улкан бўшлиқни ҳосил қилади. Ким жамият онгини шакллантирса, у келажак йўналишини ҳам белгилай олишини асло унутмаслик лозим. Шу маънода, бу курашда ён беришга, сусткашликка ёки манфаатли ёндашувга йўл қўйиш мумкин эмас. Негаки, миллат онги учун бўлган курашда ютқазилган ҳақимиз йўқ.



Бошланиши 1-саҳифада.

У пайтларда илмий ишлар Москвада тасдиқланар эди, 1980 йилда асарни рус тилида илмий изоҳлар билан нашр эттирдим.

Жараёнда институтимизда сақланаётган қўлёзмалар билан яқиндан танишдим. Улар араб, форс ва туркий тилларда ёзилган. Кўплаб асарлар ҳали илмий муомалага киритилмаганди. Бу бойлиқни дунёга таништириш учун фақат таржима қилишнинг ўзи етарли эмас, аввало, уларни каталоглаштириш керак. Каталог тузиш – ҳар бир қўлёзма ҳақида аниқ ва қисқа маълумот бериш демак: муаллифи, ёзилган вақти, мавзуси, ҳажми, нусхалари бор-йўқлиги ва бошқа муҳим маълумотлар. Мен институтнинг 9- ва 11-жилд каталогларини тайёрлашда иштирок этдим ва шу аснода, каталог тузиш сир-асрорларини ўргандим.

Бугун икки йўналишда иш олиб бораман: биринчиси – манбаларни таржима қилиш ва илмий изоҳлаш; иккинчиси – қўлёзмалар ва литографик нашрлар каталогини тузиш. Чунки дунёдаги йирик марказлар – Лондон, Париж, Санкт-Петербург каби шаҳарларда қўлёзмалар аллақачон каталоглаштирилган ва тадқиқотчиларга маълум қилинган. Биз ҳам ўзи илмий бойлигимизни жаҳон илмий жамоатчилигига таништиришимиз керак. Шу мақсадда ишимни давом эттириб, шогирдлар тайёрлаб келяпман.

– Эътиборлиси, Сиз биринчилардан бўлиб, Иккинчи Уйғониш даври – Темурийлар Ренессанс давридаги таълим тизимини кенг қамровда ўргангансиз.

– Илмий излашимиз давомиди Соҳибқирон Амир Темур шунча улғур юришлар олиб бориш билан бир вақтда, илм-фан ва таълимга қандай вақт ажратгани ва эътибор бергани мени қизиқтириб қўйди. Манбаларни ўрганар эканман, Темурбек давлат қудратини фақат ҳарбий салоҳият билан эмас, илм ва маданият билан ҳам мустаҳкамлашни мақсад қилганига амин бўлдим. Буюк Соҳибқирон жаҳият тараққиётида илмнинг ўрнини жуда чуқур анлаган. Шу боис, ўз байрогини тиккан ўлкалардан Самарқандга энг тенгисиз бойлиқни – фозил олимлар, заковатли меъморлар, қўли жуз хунармандларни олиб келиб, уларга барча шароитни яратиб берган.

Бир неча йиллар давомиди ўша давр мадрасалари, уларда фаолият юритган устозлар, ўқитиш тизими, фанлар тақсими, талабаларнинг ўқиш тартиби каби масалаларни ўргандим. Масалан, талабалар мадраса ҳузурида яшаб таълим олгани, ўқиш неча йил давом этган, қайси фанларга устувор аҳамият берилган – шу жиҳатларни таҳлил қилдим.

Таълим, асосан, ўғил болалар учун бўлган, қизлар алоҳида дарс олган. Ўқиш муддати эса босқичма-босқич синф тизимига асосланмаган, 14-20 йилгача давом этган ҳолатлар бор. Бу эса мадраса таълими жуда пухта ва чуқур бўлганини кўрсатади.

Фанлар масаласига келсак, Қуръон, фикҳ ва бошқа диний илмлар қаторида, фалсафа, тарих,

адабиёт ва айрим аниқ фанлар ҳам ўқитилган. Айниқса, Мирзо Улуғбек даврида астрономия ва математика юксак даражага чиққан. Мударрислар фақат маҳаллий эмас, балки бошқа шаҳар ва мамлакатлардан ҳам келган. Самарқанднинг илмий шухрати шунчалик кенг ёйилганки, Туркиядан Қозизода Румий, Эрондан Гиёсиддин Коший каби олимлар бу ерга келиб фаолият юритган.

Бугун биз ёшларни ривожланган давлатларга билим олиш учун юборяпмиз. Ўша даврда



эса, аксинча, бошқа мамлакатлардан ёшлар Туркистонга келган. Бу Темурийлар даври таълим тизимининг қай даражада юксак бўлганини кўрсатади. Мен бу мавзунинг ўрганишда фақат тарихни ёритишни эмас, балки ўша таърибдан бугунги таълим тизими учун ибратли жиҳатларни англашни ҳам мақсад қилганман. Хулоса шуки, таълимга эътибор бермаган давлат ҳеч қачон ривожлана олмайди. Амир Темур ва унинг маърифатпарвар авлодлари бу ҳақиқатни яхши тушунган.

– Бу давр Темурийлар ҳақида ўқир эканман, улкан уммон қошида тургандай ҳис қиламан ўзимни. Сиз каби олимлар эса ана шу баҳри муҳитнинг теран қатларига кириб бориб, сирларни кашф этади. Шунга қарамай, мавзу бўйича ҳали очилмаган, Сизни ўйлантириб келаятган мавзулар бўлиши, табиий...

– Темурийлар даврига оид ечилмаган масалалар жуда кўп. Айрим ҳолларда манбалар етарли эмас, айрим маълумотлар эса, эҳтимол, тарихда қайд этилмаган ёки ҳали топилмаган. Масалан, узок йиллар давомиди Али Қўшчи қачон Туркияга кетгани ҳақида турли фикрлар юрган. Кўпчилик уни Мирзо Улуғбек 1449 йилда вафот этганидан сўнг дарҳол кетган, деб ҳисоблар эди. Гўёки Улуғбекнинг фожали ўлимидан кейин унга Самарқандда ижод қилиш имкони берилмаган, деган қараш мавжуд бўлган. Бироқ устозим Асомиддин Уринбоев томонидан Абдурахмон Жомий мактублари орасида топилган урта хат бу масалага ойдинлик киритди. Жомий Алишер Навоийга ёзган хатида Али Қўшчининг Ҳирот орқали Туркияга йўл олаётгани, катта юк – жумладан, Улуғбек кутубхонасидан олган

китоблар билан кетаётгани ҳақида хабар беради. Шу далиллар асосида Али Қўшчининг 1469 йиллар атрофида кетгани аниқланди.

Шу каби очик қолган саволлар кўп. Масалан, Амир Темур Анқара жангида Султон Боязидни енгганидан кейин у ерда қанча вақт қолган? Қайси йўл билан қайтган? Аниқ сана ва йўналишлар ҳали тўлиқ ойдинлашмаган. Ёки Қозизода Румий – Улуғбек билан бирга “Зиқ” тузишда қатнашган машҳур олим. Аммо у қаерга дафн этилгани номаълум.

тўлиқ манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилмаган эди. Мен докторлик ишимда Хондамирнинг сақланиб қолган саккизта асарини тўла қамраб олдим: улар қаерда сақланаётгани, қай тарзда кўчирилгани, тўлиқ ёки нотўқислиги, нусхалари сони, мазмуни ва тарихий қиймати ҳақида атрофлича маълумот бердим. Айниқса, Хондамир асарларида шаҳарсозлик ва маданий ҳаётга оид жуда қимматли маълумотлар бор. У ерда боғлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар ҳақида батаф-

Анвар Обиджон ёзган эди: “Ҳатто мовий осмоннинг бор адоғи, Аммо олий тафаккурда сарҳад йўқ”. Ўқувчиларимизга айти пайтда қандай янгликлар билан банд эканингиз қизиқ. Чунки фидойи зийлилар ҳеч қачон тиним билмайди.

– Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Тўйга тўёна билан, дегандай, айти пайтда Хондамирнинг “Маосир ал-мулк” асари таржимасини тайёрлапман. Тез орада нашрга топшираман.

Бугунги асосий вазифам талабаларга илмий раҳбарлик қилиш. Уларга ҳали ҳеч қим қўл урмаган янги мавзуларни танлашда ва илмий излашларини йўналтиришда ёрдам бераман.

Шу ўринда мени қийнайдиган масала бор. Ҳозирги ёш олимларнинг раҳбарлари кўпинча ўз соҳасининг мутахассиси эмас. Илгари диссертацияларнинг раҳбарлари айнан шу соҳа эгаси бўлган ва шогирдга чуқур билим бера олган. Энди эса раҳбар бошқа соҳа эгаси бўлгани учун шогирд аросатда қолади, илмий иш сифати пасаяди ва фанга путур етади. Масалан, мен фақат Темурийлар даври ва ундан кейинги маълум асрагача ёзилган манбалар устида ишлай оламан. Бошқа соҳаларга билимим етмайди, шунинг учун бошқа мавзудаги шогирдларга ёрдам бера олмайман.

Ҳар бир шогирд соҳанинг етук мутахассиси раҳбарлиги остида бўлиши лозим. Раҳбар ҳар қадамда шогирднинг ишини текшириб, йўл-йўриқ кўрсатиб туриши керак. Ана шунда шогирд тўла билимли, етук мутахассис сифатида етишади. Агар раҳбар соҳа эгаси бўлмаса, шогирд “ногирон” бўлиб қолади ва кейинчалик ўз шогирдларига ҳам тўлиқ билим бера олмайди.

Тўртта кенгаш аъзосиман, ҳозир иккитасида фаолият юряпман. Шу кенгашларда ҳимоя қилинаётган диссертацияларнинг камчиликларини доим очик айтаман. Масалан, яқинда ўзбекиларнинг келиб чиқиши масаласини тадқиқ қилаётган йигитга савол бердим: “Олдинги йирик олимлардан фарқли равишда ўзбекиларнинг қачон келиб чиқганини аниқ айта оласизми?” У: “Уларнинг олдида оҳимизман”, деди. “Унда нимага бу мавзунинг танладингиз?!” дедим.

Умуман олганда, соҳасидан қатъи назар ҳар бир илмий иш чуқур текширилиши ва хатолар тузатиладигани ҳимояга чиқарилиши керак. Ана шунда фанда ҳақиқий соғлом рақобат бўлади ва илмий сифат ошади.

– Мазмуни суҳбат учун раҳмат! Устоз, Сизга кўп ёшлар ҳавас қилади. Сизга шогирд бўлишни орзу қиладиганлари қанча. Илму фан осмониди йўлчи юлдуз бўлиб, мудом бизга ҳақ йўлни кўрсатиб юраверинг.

– Рамазон ойи элимизга бахту содат келтирсин! Сизгаям раҳмат, қизим!

Васила ХАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

# КЕЛАЖАК КАЛИТИ

Бу масалаларни ечиш учун янги манбалар керак. Айтиш кераки, Темурийлар даврининг асосий манбалари бугунги кунда ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, илмий муомалага киритилган. Бироқ айрим асарлар юртимизда мавжуд эмас. Шу боис, тадқиқотчилар Тейхрон, Кембриж, Бомбей каби нашрлардан ҳам фойдаланадилар. Манбашунослик фақат маҳаллий қўлёзмалар билан чекланиб қолмайди. Бирор масалани ўрганишда барча мавжуд манбалар солиштирилади, таҳлил қилинади ва шундан кейингина илмий хулосага келинади.

– Бу давр ҳақида гап кетганда, энг ишончли тарихчилардан бўлган аждодимиз Хондамир, албатта, эсланади. Унинг ижоди докторлик диссертациянгиз объекти бўлган экан. Муаррих асарларида аввалги тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган қандай маълумотларни аниқладингиз?

– Хондамир машҳур тарихчи Мирхонднинг набираси эди. Мирхонд Алишер Навоийнинг кутубхонасида фаолият юритган ва етти жилдли “Равзат ус-сафо” асарини яратган. Асар Одам Атодан то муаллиф яшаган давргача бўлган тарихни қамраб олган. Бироқ Мирхонд еттинчи жилдли тугатишга улгурмай вафот этган. Унинг ўрнини набираси Хондамир эгаллаган.

Алишер Навоий Хондамирга катта имконият яратган, бой кутубхонадан фойдаланиш шароитини берган. Шу асосда, Хондамир бувасининг асарини тўлдирган ва уни кейинчалик ўзининг “Ҳабиб ус-сиар” асарига ҳам киритган. Шу боис, еттинчи жилд маълумотларини ҳам “Равзат ус-сафо”да, ҳам “Ҳабиб ус-сиар”да учратиш мумкин.

Хондамир ҳаёти давомида 13 та асар яратган. Саккизтаси бизгача етиб келган, бештасининг фақат номлари маълум. Тадқиқотчилар асосан унинг “Ҳабиб ус-сиар” ва “Хулосат ул-аҳбор” асарларидан фойдаланиб келишган. Бироқ улар кераки парчаларини олган, асарлар

сил ёзилган. Мен уларнинг барчасини тизимлаштириб, қайси маълумот унинг қайси асарида келтирилганини кўрсатиб бердим. Бугун тадқиқотчи Хондамир маълумотларидан бемалол ва тизимли равишда фойдаланиши мумкин.

Хондамир нафақат тарихчи, балки кенг қамровли олим бўлган. Турли фанларга қизиққан, шеърлар ҳам ёзган. Афсуски, унинг шеърый баёзлари бизгача етиб келмаган, фақат маълумотларгина сақланган.

– Тарихни ўрганишда қайси омиларга эътибор берасиз?

– Бизнинг соҳада факт муҳим. Ҳозирги тадқиқотларда кўпинча “фалончи шундай деган” дейишади, лекин манбага таянмаган гапга ишониб бўлмайди. Тарихчи фақат қўлёзма ва ҳужжатлардан олган маълумотлар билан ўрганиш керак. Шу боис, Президентимиз ҳам манбаларни чуқур ўрганишга уруғ беради. Чет элдаги манбаларни аниқлаш, олиб келиш ёки нусха кўчириш, ўрганиш борасида катта имкониятларни яратиб бермоқда. Бу имконият моддий ва маънавий, албатта.

Олим, аввало, тарих фанини севиши, олдида кўйган мақсадни ҳалол бажаришга ҳаракат қилиши, кўп ўқиши лозим. Олдинги тадқиқотлар билан танишиб, етук олимларнинг ишини ўрганиши шарт. Фақат унвон учун эмас, балки ҳақиқий тарихчи бўлиш учун ўзини илмга бағишлаши ва ҳалол меҳнат қилиши керак. Ҳозир илмий иш қиламан, деган одамга барча шароит етарли, Интернет ва кўп манбалар муомалага киритилган, имкониятлар катта. Илгари манбалар чеклангани тўғрисида хаттолар бўлган. Энди манбаларни ўрганиш, таржима қилиш ва таҳлил қилиш имконияти бор, аммо бунинг учун сабр ва матонат талаб этилади.

– Устоз, Сиз академиксиз, 10 дан ортиқ китоб, унлаб каталоглар муаллифи, 340 дан ортиқ мақолалар муаллифисиз. Мана, яқинда кутлуғ 85 ёшни қаршилайсиз. Халқ шоири

## ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Тарихга назар ташласак, юртни маърифат орқали озодликка олиб чиқишга қатъий бел боғлаган жадидлар орасида уч хонлиқда катта мавқега эга, юқори давлат лавозимларини эгаллаган инсонлар ҳам бўлганини кўраемиз. Масалан, Қўқон хонлиги шаҳзодаси Фансуруллохбек, Бухоро амрлиғи муфтийси Маҳмудхўжа Беҳбудий, Хива хонлиги бош вазир Исломуҳўжа ва бошқаларнинг жадидларга хайрихоҳлиғи ҳаракатнинг янада кенг томир ёзишига хизмат қилган.

...1873 йилнинг баҳориди чор ҳукумати Хива хонлиги устига қудратли қўшин билан уч томондан бостириб келади. Душман яқинлашаётгани хабари тарқалган кезларда вазиятни қандай бартараф қилиш масаласида саройда кетма-кет ҳарбий машварат чақирилади. Матмурод девонбеги бошлиқ гуруҳ душманга қатъий қаршилиқ қилишни таклиф қилса, Паҳлавон Ниёз мирзабоши бошлиқ гуруҳ сулҳ тарафдори бўлиб майдонга чиқади. Муҳаммад Раҳимхон соний икки гуруҳ фикрларини эшитиб, ҳарбий имкониятлари бир қадар чекланганини билса-да, қаршилиқ қилиш тарафдорларини қўллаш мажбуриятида қолади.

Замонавий қуролларга эга душман билан юзма-юз муҳораба узок чўзилмайди, 1873 йилнинг май ойида хонлик пойтахти Хива таслим бўлади, 12 август кунги қалъа яқинидаги Гандимён қишлоғида хонлик ва Русия империяси ўртасида сулҳ шартномаси имзоланади. Тарихга “Гандимён шартномаси” номи билан кирган ушбу ҳужжатга асосан хонлик вассаллиқни бўйига олади.

“Гандимён шартномаси” матнини хоннинг мирзабоши Паҳлавон Ниёз Муҳаммад рус ва ўзбек тилларида ёзган. Фон Кауфман ёнида келган ҳарбий маслаҳатчилар матнга бир қатор

# КОМИЛ ХОРАЗМИЙ КИМ ЭДИ?

хонлик учун ориқли тузатишлар киритган.

Ҳали ёв босиб келаятган вақтда саройдаги сулҳпарвар гуруҳга бош бўлган, кучлар тенг эмаслиги, ориқча кучаниш кўплаб қурбонлар берилиши, қадим қалъадаги меъморий обидаларга зарар етишини анлаган Паҳлавон Ниёз Муҳаммад ким эди?

Паҳлавон Ниёз Муҳаммад 1825 йил Хивада мударрис Абдулла охун оиласида туғилган. Дастлаб сабоқни маҳалла масжиди қошидаги мактабда, сўнг ўз даврининг етук уламоларидан бири бўлган отасидан олади. Отаси унга араб ва форс тилларини пухта ўргатади. Табиатан иқтидорли, тил ўрганишга қизиқувчан Паҳлавон Ниёз Хивада асирликда яшаётган аскарлардан рус тилини ҳам ўзлаштириб олади. Мадрасада таҳсил олиш жараёнида мумтоз адабиётга қизиқади, ҳазрат Алишер Навоийни устоз санаб, ўзига Комил Хоразмий тахаллусини танлаб, ғазал ва мухаммаслар ёза бошлайди. Бир вақтнинг ўзида хаттотлик ва мусиқа санъатини ҳам эгаллайди.

Кенг қамровли билимга эга 31 ёшли йигитни Хива ҳукмдори Саид Муҳаммад 1856 йили саройга хаттотлик вазифасига таклиф қилади. Отаси ўлимидан сўнг тахтта ўтирган Муҳаммад Раҳимхон соний Паҳлавон Ниёзни мирзабоши қилиб тайинлайди. 1873 йилда Матмурод девонбеги фон Кауфман томонидан Калуга шаҳрига сургун қилинган, хон Паҳлавон Ниёзга девонбеги вазифасини беради. Девонбеги саройда бош вазирдан кейин турувчи энг юқори мансаб ҳисобланиб, хонлиқнинг барча иқтисодий қирим-чиқимлари унинг зиммасида эди. Айти вақтда, хонлиқнинг барча ҳужжатлари айнан девонбеги томонидан юритилган.

Комил Хоразмий дастлаб

анъанавий ишқ-муҳаббат, май-маҳбуб мавзуларида ғазаллар ижод қилган бўлса, кейинчалик унинг шеърларида маърифатпарварлик ғоялари асосий ўрин эгаллай бошлайди. 1891 йил сентябрь ойида Петербургда бораётиб, Тошкентда тўхтаб ўтганида, “Туркистон вилоятининг газети” таҳририяти илтимоси билан “Тошкент” деб номланган қасида ҳам ёзади. Унинг бу қасидаси ўзбек адабиётида янги ижтимоий тараққиётни акс эттирган илк йирик шеърый асардир.

Айнан маърифатпарварлик мавзусидаги асарлари Комил Хоразмийни жадид ҳаракатига қўшилишга олиб келади. У Исломуҳўжа ва бошқа воҳалик жадидлар билан яқин алоқада бўлиб, амалий ишларга киришади. Хивада илк янги қўринишдаги мактаб ҳам айнан Комил Хоразмий томонидан очилади ва қисқа муддатда ўқувчилар сони юз нафардан ошади.

Комил Хоразмий Муҳаммад Раҳимхон соний билан Петербургда бориб қайтган, хонлиқда мактабчиликни янгилаш мақсадида тилга олган. Тошбосма усулида илк бора Алишер Навоий девони ва бир қатор тарихий асарлар чоп қилинади. 1881 йили Комил Хоразмийнинг илк девони ҳам тошбосма усулида кўп нусхада чоп қилинган. У шоир сифатида ўз даврида гоятда машҳур бўлган. Ун тўққизинчи асрнинг таниқли тилшунос олимларидан бири Шайх Сулаймон Бухорий ҳам уни XIX асрнинг пешқадам шоирларидан бири сифатида тилга олган.

Жадид Комил Хоразмийнинг энг катта хизмати ўзбек номи ёзувини иختиро қилишидир. Маълумки, бизда мумтоз мусиқалар, шу жумладан, “Шашмақом” каби йирик асарлар ҳам ёдлаш орқали ўтиб келган. Мусиқанинг озгаси тарзда авлоддан авлодга

ўтиб келишини олқишлаган ҳолда, баъзида нўноқ мусиқачилар томонидан унинг бузиб ижро қилиниши ҳолатлари кузатилганини ҳам таъкидлаш керак. Европа бу масалани аллақачон ҳал қилган – мусиқа нотаси яратилиб, мумтоз асарлар асл ҳолича сақланиб қолиши кафолатланган.

Комил Хоразмий Петербургда борганида театрга тушади ва сахна асари мусиқасини кўп кишилик жамоа ижро қилаётгани, уларнинг олдида нота ёзувлари турганига эътибор қаратади. Опера тугагач, оркестр мусиқачилари ёнига бориб, улар фойдаланаётган нота билан қизиқади. Сафрдан нота ёзувларини олиб қайтган, уларни пухта ўрганади, ўзига Шарк мумтоз мусиқачиларини ушбу нотага солишга уриш қўради. Аммо ўша вақтда мумтоз мусиқаларимиз асосан танбурда ижро қилинган учун улар европача нота чизиқларига тушмаслигини англайди ва янгилаш мусиқа чизиқлари яратиш керак, деган хулосага келади. У “Шашмақом” туркумидаги “Рост” макомини ўзи яратган “Танбур чизиқлари”га тўла ўтказди ва мусиқачилар тезда буни ўзлаштириб, мукамал ижро қила бошлайдилар.

Комил Хоразмий яратган “Танбур чизиқлари” ўз кашфиётчиси ҳаёт вақтида саройда хизмат қилаётган мусиқачилар томонидан ижро қилиниши йўлга қўйилган. Аммо хонлик тугатилиши билан “Танбур чизиқлари” унутилди. Бунга советларнинг айнан европача нота чизиқларини мусиқа санъатига тўла таъбиқ этиши ҳам сабаб бўлди. Фақат мустақиллик замонасига келиб, мусиқа мутахассислари Комил Хоразмий яратган “Танбур чизиқлари” тадқиқотига киришдилар. Ушбу тадқиқотда иштирок этган мутахассислар эътирофича, “Танбур чизиқлари” шарқона мумтоз мусиқачиларни мукамал ижро қилишда тенг-

сиздир. Зеро, “Шашмақом” туркумига кирувчи мақом йўлидаги мусиқачилар европача ноталарга жойлаштириш ва ижро қилишда бир қатор камчилик ва қийинчиликлар мавжуд.

Комил Хоразмий ёши ва тажрибаси жиҳатдан Хива жадидларининг энг улғуғи эди. Шунга қарамадан, у ҳатто кексайиб қолганида ҳам, ўз фаоллиги билан фикрдошларига ибрат бўлган. Жадидларнинг вақтли матбуотида, “Таржумон”, “Туркистон вилоятининг газети” каби нашрларда унинг маърифий мақолалари ва шеърлари кетма-кет чоп этиб борилган. Комил Хоразмий ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда, иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий қўллаган, асарлари чоп қилинишига бош-қош бўлган.

Ўтган аср бошларида жадидлар элни уйғотиш учун вақтли нашрлар чоп қилишга катта эътибор қаратган. Аммо Хива хонлиги ҳудудида бирорта вақтли нашр чоп қилинмагани сабабини нима, деган савол туғилади. Тўғри, Исломуҳўжа бош вазир вақтида Хивада газета чоп қилиш ҳаракати бўлган. Бундан олдин Тошкент, Самарқанд каби шаҳарларда турли газеталар мунтазам чоп қилинаётганини кўрган ва уларда мунтазам қатнашишга ҳаракат қилган Комил Хоразмий ҳам газета ташкил қилиш орузида бўлади. Лекин бу орзулар амалга ошишига хон атрофидаги ҳалқ уйғонишини истаманган кучли гуруҳ қаттиқ қаршилиқ қилган. Исломуҳўжанинг 39 ёшида қатл қилиниши ортида ҳам ана шу кучлар тургани Комил Хоразмий ва бошқа жадидларнинг қўлини боғлаб қўйгани айти ҳақиқат. Жадидлар ҳаракати таъсири остида 1914 йилда ташкил қилинган “Еш хиваликлар” партияси вақтли матбуотга эътибор қаратганини ҳам ушбу ўзанлардан излаш керак.

...48 ёшли Комил Хоразмийнинг



“сулҳпарвар сиёсати” ўша вақтда хонлиқда турлича талқин қилинади. Айримлар у тутган йўлни маъқулласа, аксар кишилар уни “сотқин”лиқда айбшлашади. Хонлик бўйнига истибдод занжирини солган “Гандимён шартномаси” матнини ёзгани учун унга лаянат тошлари отилади. Асосан қилич-қалқон, чўқмор, пилтали милтиқ ва ибтидоий қўринишдаги тўпларга эга хонлик қўшини замонавий қуролларга эга ёв қўшинига қарши тура олмаслиги, оқибатда юрт вайрон, қадим қалъалар қилларчин бўлишини англаган Комил Хоразмий вақтдан ютиш учун вақтинча сулҳга рози бўлишдан бошқа чора йўқлигини англагандир? Бу таклифи хато эканини билган ва вақт келиб ушбу хатосини ювиш мақсадида жадидлар ҳаракатига қўшилишга бўлиши, ҳеч шубҳасиз. Зеро, истибдоддан қутулишнинг бирламчи йўли раиятни уйғотиш, уларнинг илмли бўлишларини таъминлашдир. Жадидлар айнан шу йўлни танлаган эдилар.

Вақт ҳаммасини ойдинлаштирди. Комил Хоразмий етук шоир, мусиқачи, хаттот сифатида тарихимиздан муносиб ўрин олди. Унинг халқимиз олдидаги энг катта хизмати жадидлар ҳаракатига қўшилини, хонлиқда илк янгилаш мактаблар ташкил қилгани, ўз ортидан минглаб онгли ёшларни эргаштира олганида қўринадди.

Рўзимбой ҲАСАН



# МУМТӨЗ МУҲАББАТ МАМЛАКАТИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Аммо бир нарса аниқки, Ўзбекистон ва Ҳиндистонни боғловчи энг диққатга сазовор, бой ва сермазун бошқич – Бобурийлар салтанати даври, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳинд заминидида кўнглимизга ифтихор нурини тўққан манзил – Бобур бобонинг бош фарзанди Ҳумоюн Мирзо абадий кўнин топган Дехли шаҳрига қадам қўйдик.

## ДЕХЛИ ДИЛДА ҚОЛДИ

Самолётимиз 30 январь куни тонги соат 6 да Дехли халқаро аэропортига кўнди. Бизни ушбу масканда Ўзбекистон вакили бўлиб хизмат қилаётган икки ҳамюртимиз – Муроджон ҳамда элчихона бош котиби Абдулазиз ўзбеконга меҳру оқибат билан кутиб олишди. Абдулазиз бошқарувидаги машинада меҳмонхонага йўл олдик. Бироз ҳордиқ чиқарган бўлиб, сўнг оқибатли ва маърифатли кадрдоним Асқар ҳожи Бойбўсинов ва умр йўлдошларимиз ҳамроҳлигида Дехли шаҳри билан яқиндан танишиш учун саёҳатни бошладик.

Дастлабки кўрганимиз маҳобатли “Ҳиндистон дарвозаси” бўлди. У тўрт тарафидан ҳам бир хил кўринишга эга. Пойига, ён-верига экилган анвоий гулларни кўриб кўзингиз қамашади. Қиш фаслида димоғимиз қўқлам ҳавосига тўйингандек завқу шавққа тўлди. Ҳиндистонда ички туризмнинг аъло даражада йўлга қўйилгани ҳавасимни келтирди. “Ҳиндистон дарвозаси” теғрасида юзлаб ёшлар сайлга чиққан бўлиб, агар қиёсласак, чет элликлар 20 фоизни ташкил этса, қолган 80 фоизи маҳаллий аҳоли вакиллари эди.

Кўркам ва улғувор дарвоза рўпарасида Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган юрт ўғлонлари шарафланиб, салобатли ёдгорлик ўрнатилган. Шу саҳн бўйлаб қўрилган иншоотлар, инсон зақоси билан яратилган гўзалликларни томоша қилиб, бугунги Ҳиндистоннинг уриб турган юраги айнан шу жой экан, деган ўйга бордим. Чунки дарвоза атрофидаги бетакдор манзаралардан сал ўтиб, бироз нарига кўз ташласангиз, марказий ҳукумат қароргоҳларини, ўнлаб маъмурий идораларнинг муҳташам биноларини, кинотеатрлар, санъат саройлари, мўзйўқоғлар, олий ўқув муассасалари, Махатма Ганди, Жавахорлал Неру номидида музейлар, мафтункор боғ-роғлар, кенг ва текис кўчалар – боринки, Ҳиндистон давлатчилиги қудратига тимсол бўла оладиган энг эътиборли бунёдкорлик намуналарини кўрасиз.

Албатта, уч минг йиллик тарихга эга оламга машхур Дехлига бизнинг нигоҳимиз илк бор тўшаётгани учун ҳаяжонимиз баланд эди. Қишнинг авжи чилласида турфа дархатлар бир донга ҳам баргини тўқмаган, атроф ям-яшил, ҳаво ҳарорати ҳам илиққина. Кўҳна ва айна пайтда замонавий қиёфа касб этган ўтмиш ва бугуннинг ажойиб синтези бўлган Дехли бизни мафтун этди. Бу шаҳар янги асримиз меъморчилиги ютуқлари асосида бунёдкорлик бобида қанчалик илгариллаб кетган бўлмасин, барибир, ўз тарихий улғуворлигини ҳам сақлаб қолганини амин бўлдик.

## БОБУРИЙЛАРНИНГ БОҚИЙ ТАРИХИ

Дунёда буюк Соҳибқирон бобомиз ва теурий-зодалар қурдирган улғувор иншоотлар, яратган боғ-роғлар, таълим ва шифо, маънавият ва маърифат масканлари асрлар оша ҳаёт аҳлининг дилида ҳавас чирогини ёқиб келаётгани, шубҳасиз. Майли, тақдор бўлса ҳам айтмай: олтин қонидан олтин чиқади, оққан дарё ана оқаверади.

Ҳаётнинг яна бир ҳақиқати шуки, ҳар қандай ота ҳам ўз фарзандига жонини бахшида қилавермайди. Агар у улкан салтанатнинг соҳиб, машхур шоир ва иззат-эътиборда бетимсол, бунинг устига, ёш бўлса, янада мураккаб ҳолатдир. Аммо Бобур жонидан азиз кўрган дилбанди Ҳумоюннинг ўлим билан олишаётганини кўраркан, дош беролмайди ва унинг боши узра етти маротаба айланиб, Яратганга нидо қилади. Кимнингдир жонини олиш керак бўлса, боласини эмас, ўзини қурбон этишини сўрайди. Инсон қалбини ларзага соладиган бу дилгир лавҳа, мана, беш юз йилдирки, туркийлар онгда жасоратнинг олий намунаси бўлиб порлаб туради. Шу боис ҳам, Бобур Мирзо асос солган империя, ўзга юртда бўлишига қарамай, 330 йилдан кўпроқ вақт ашаган.

1530 йилда 47 ёшида оламдан ўтган Бобур Мирзодан Ҳумоюнга Ҳиндистон салтанати мерос бўлиб қолди. Ҳурматли ўқувчиларимиз учун Ҳумоюн Мирзонинг жанги жадалларда ўтган йиллари, ҳукмронлик фаолияти маълум эканини ҳисобга олиб, унинг тафсилотларини баён этишдан тийилдик. Фақат баъзи жиҳатларни таъкидлашни жоиз билдик.

Ҳумоюн ҳукумат бошқариш тизимини ҳам ўзига хос бадийий-фалсафий усулда ташкил этган. Масалан, у рубоий ёки туюққа қиёсан, тўрт бўлимдан иборат ҳукумат тузган: ҳарбий ишларни назорат қилувчи “Олов бошқармаси”; сугориш ишлари билан шуғулланадиган “Сув бошқармаси”; солиқ солиш ва давлат ерларини бошқариш билан шуғулланувчи “Ер бошқармаси” ҳамда муслмон имомлари, сарой шоирлари ва тарихчилар масалалари бўйича “Ҳаво бошқармаси”. Ушбу маълумотлар билан танишар эканман, беихтиёр ёдимга ҳазрат Навоийнинг қуйидаги сатрлари келди:

*Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот,  
Нодуру олий асоси қоинот.  
Барчадин ашрафки ул инсон эрур  
Ким, камалида хирад ҳайрон эрур!*



Биз Ҳумоюн Мирзо учун фарзанди Акбаршоҳ томонидан барпо этилган мақбара ансамблини кўриб, ҳазрат Навоий васф этган ўша ҳайронлиғ оstonасида туриб қолдик. Сайёҳлар ва минглаб Ҳиндистонликлар юзу кўзида ҳам шундай ифода мукассам. Айтишларича, Ҳумоюн Мирзонинг мақбараси кейинчалик Тож Маҳалнинг бунёд бўлиши учун меъморий асос ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган экан.

Ҳумоюн Мирзо музейидаги нобъ экспонатларни томоша қиларканмиз, таассуротларимиз янада бойиди. Музей ер остига қурилган бўлса-да, бобурийзодалардан мерос қолган осори-атиқалар ер устида юрган одамларнинг кўнглини ром этди.

## ТОЖ МАҲАЛ – МУҲАББАТ ҚАСРИ

Сафаримизнинг иккинчи куни – 31 январь, эрта тонгда меҳмонхона дарвозасида бизни Агра шаҳрига олиб бориш учун Шашват исми ҳинд сайрбони кутиб турарди. Эътиборлиси, бу бола ишлайдиган сайёҳлик компаниясини турклар очган экан. Хуллас, Дехли шаҳридан Агра томон йўлга чиқдик. Оралик масофа 250 километрдан кўп. Дарвоқе, Ҳиндистонга келган туристлар энг аввало “уч олтин бурчак” деб аталувчи манзиллар: Дехли – Агра – Жайпур шаҳарларини зиёрат қиларкан. Чунки бу йўналиш орқали Ҳиндистоннинг олис тарихи, кечаги кунлари ва бугунги манзараларини кўришингиз мумкин. Қолаверса, бу муаззам шаҳарларда айнан бобурийлар сулоласининг зарҳал излари, тиллога тенг ёдгорликларни бамисоли денгиз тубидаги марваридлардек ястаниб ётади.

Аграга олиб борувчи катта йўлдамиз. Тўрт қатор йўлда машиналар равон елиб боради. Бунақасини Европага қилган саёҳатларимда кўриб, қойил қолгандим. Бирок Ҳиндистонда евростандартдаги шундай йўллар борлигини тасаввуримга ҳам келтиролмадим... Бу илониқи йўлнинг икки чети кўм-кўк экинзор, катта-кичик дархатлар, гоҳида бир неча километрлар бўйлаб экилган хушманзара гулчечаклар, бир сўз билан айтганда, кўриб кўз қувнади.

Албатта, Ҳиндистонга келсангиз, фақат мақтасангиз ҳам бўлмайди. Чунки у ерга борганлар яхши биладиган, асаби бақувват ва бағрикенг одамни ҳам ҳайрон қолдирадиган ҳолатлар борки, тилга олиб ўтмасак, сафаримиз ёлгонга ўхшаб қолади. Дехли, Агра ва Жайпурда ҳам кўчанин “эга”си сигирларимкин, деган хаёлга бордик. Халқона гап ила айтсак, Ҳиндистонда ҳеч ким сигирларнинг “мушугини пишт” демас экан. Чунки Ҳиндуизм динига кўра, сигир муқаддас, илоҳий жонзот ҳисобланади.

Атроф-муҳит экологияси, тозалик билан боғлиқ муаммолар ҳам кам эмас. Улкан-улкан замонавий бинолар қаршида ёки ёнида чиқиндизорлар бор. Шаҳар архитектурасига соя солишига қарамай, ким нима хоҳласа, шуни кўриб олган – ҳеч кимнинг иши йўқдек... Бу бизга гўё гулдек шаҳарлар юзига чиққан сўгалдек кўринди... Негативларни шу жойда мухтасар қилиб, андиша ила “Ҳар тўқисда бир айб”, деб қўя қоламиз.

Чор тарафга тегирлиб, 250 чақиримни босиб ўтганимиз, ўша машхур Аграга ҳам етиб келганимизни билмай қолибмиз. Агра шаҳри – том маънода бобурийлар салтанатининг маркази, юраги. Биз ана шу мумтоз, тарихий шаҳарга етиб келдик. Муҳаббат меҳроби кўнгли кўшида, десак, албатта бу шоирона ташбеҳ бўлади. Муҳаббат меросини эса кўнгли қасри хазинасидан изласак, қандай бўларкин? Бу фикрда муҳаббатнинг нури бордек туюлади менга. Ахир, Тож Маҳал деганда, аввало, асл исми Шаҳобиддин Муҳаммад Хуррам бўлган Шоҳ Жаҳоннинг қалб кўзусида қад рўстлаган қаср кўз олдимизга келмайдими?!

Бу “Саройлар тожи” томон қадам қўйган одам борки, ранглар рафторидан сеҳрланади. Ҳайрат ҳавасидан кўкси тўлиқади. Инсон ақлу заковатининг бетимсол қудратига қиёс бўлиб бунёд этилган мазкур муҳаббат қасри 374 йилдан буён салобат ва виқор билан турибди. Садқат ҳам самодан тушмайди, албатта. Айниқса, муҳаббат аҳли учун вафо – юрак юзидаги гул. Юрак юзидаги шу гулни узмоқ учун том маънода муҳаббатнинг султони бўлмоқ керак. Шоҳ Жаҳон ана шундай дилбар шахс эди. Севикли рафиқаси Мумтоз Маҳал унинг учун Яратган бу оламда ато этган неъматларнинг энг аълоси, энг азиз ва муқаррам экан-да.

Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан тақлиф

этилган юзлаб қўли гул уста, ҳунарманд, 20 мингга яқин одамнинг 22 йил ишлаши, 74 метр балангликдаги беш гўмбазли, бурчакларида тўртта минора, иншоотга туташ худуддаги нафис фавворалар, ҳовузалар, ям-яшил боғу боғчалар, ранго-ранг гулзорлар – умумий майдони 17 гектарга тенг бу мажмуанин ҳар қаричи яхлит улкан муъжизанингузвий қисмидек кўринади.

Бизга ҳамроҳлик қилаётган сайрбонимизнинг айтишича, Тож Маҳални қуриш истагида одатий кунларда 25 минг, шабна ва яқшанбада эса 40 минг атрофида сайёҳ келар экан. Зеро, сайёрамизда диққатга сазовор гўшалар кам эмас, бирок Тож Маҳал ягона, бунақаси бошқа жойда йўқ!

Минглаб филларда ўнлаб юртлардан келтирилган қурилиш материаллари, Мақрана шаҳридан олиб келинган шаффоф мраммарнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у бултусиз кунлари оқ, тонг палласида пушти ва ой ёруғида кумуш рангда кўринади, товланиб-тусланган...

Келинг, Тож Маҳални ипидан игнасиғача шарҳлаб, қимматли вақтингизни олмай. Инчунин, интернет манбаларида миллионлаб маълумотлар борки, бу борада менинг ёрдамимга эҳтиёж сезмайсиз... Ҳиндистонга бориб, уларнинг шоулари, томошаларини кўрмаслик – Ҳиндистонга бормаслик билан баробар. Сайрбонимиз бизни “Mohabbat The Taj” театрига, император Шоҳ Жаҳон ва унинг рафиқаси Мумтоз Маҳалбегимнинг оташин ишкидан ҳиқоя қилувчи жонли спектаклни кўришга таклиф этди. 80 нафар маҳоратли актёр иштирокидаги саҳна намоиши бизни олис тарих сари бошлаб кетди. Ҳиндлар фақат кинода эмас, театрда ҳам етакчилардан бири эканини англадик. Спектаклдан мутаассир бўлганимиздан ҳатто кўнгда шох ва малика ролларини қойилмақом қилиб ижро этган бош қаҳрамонлар билан саҳнада суратга ҳам тушиб олдик.

Сўнг Мумтоз Маҳал ва Шоҳ Жаҳон мангу кўним топган қабрларни зиёрат этиб, Қуръон тиловат қилди. Бу гўшадан кўксимизни тоғдек кўтариб чиқдик. Муҳаббат қасрининг пойида туриб, бобурийлар салтанатининг салобатидан ҳайрат

бизни мамнун этди. Ҳиндистонга келишидан олдин Францияда беш йилдан зиёд элчи бўлиб ишлаган Сардор Мирзоасулов билан қисқа, аммо мазмунли мулоқот қилдик, деб ўйлайман.

Бугун Ҳиндистон–Ўзбекистон муносабатлари қайта тикланиш даврини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модри ўртасидаги мунтазам олий даражадаги мулоқотлар ҳамда эришилган юксак натижалар туфайли алоқаримиз янги стратегик бошқича кўтарилди. Эътиборлиси, киши бошига ўртача ички маҳсулот миқдори Ўзбекистонга нисбатан кам бўлса-да, икτισодиётнинг умумий миқдори бўйича Ҳиндистон 2025 йили дунёда тўртинчи ўринни эгаллаган. Шу сабабли, ўзаро ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд.

– Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилган икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш бўйича вазира ўтган йили ортиги билан бажарилди, – деди суҳбат чоғи ҳурматли элчимиз. – 2025 йил якунлари бўйича ушбу кўрсаткич 1 миллиард 306 миллион доллардан ошиб, йиллик ўсиш 37 фоизни ташкил қилди. Савдо-сотик ҳажмини яқин келажакда 2 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ҳиндистонга экспорт ҳажмини ошириш долзарб йўналиш ҳисобланади. Ўтган йили экспорт ҳажми 56 фоизга ўсди ва 153 миллион доллардан ошди.

Маълумки, Ҳиндистон билан товарлар ҳаракатига логистика йўналишларидаги мавжуд муаммолар салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатларимиз ўртасида товарлар ҳаракати учун “ҳаво кўприги” яратиш масаласи устида изчил саёҳ-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Тошкент-Амритсар ва Тошкент-Дехли йўналишларида юк ташиниш Ҳиндистон расмий идоралари томонидан рухсат олинди. Шунингдек, экспорт ҳажмини ошириш мақсадида Ўзбекистон маҳсулотлари учун турли тариф ва нотариф барьерларни олиб ташлаш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу пайтгача 40 та маҳсулотта фитосанитария рухсати олинган. Жорий йил

рилмоқда, 303,2 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилди. Инвестициялар ахборот технологиялари, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳаларга йўналтирилмоқда. Сўнгги йилларда Ҳиндистондан Ўзбекистонга саёҳатчилар оқимини кўпайтиришга эришилмоқда. 2025 йилда ушбу мамлакатдан 80 мингга яқин турист келиб, йиллик ўсиш 15 фоизни ташкил қилди. Жорий йил 100 минг нафарлик маррани забт этиш режалаштирилган.

Ўтган икки йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳаво қатнови сонини уч бараварга оширишга эришилди. Бугун ҳафтасига 17 та самолёт Тошкент, Дехли, Мумбай шаҳарлари ва Гоа штатини боғлаб турибди. “Uzbekistan Airways” авиакомпанияси ёнига “Centrum Air” авиакомпанияси қўшилди, яқинда “Qanot Sharq” компанияси ҳам рухсат олиши кутилмоқда...

Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун яратиб берилган қулай имкониятлар натижасида ушбу йўналишдаги алоқалар янги поғонага кўтарилмоқда. Бугун 15 мингдан ортиқ Ҳиндистонлик ёшлар мамлакатимиз университет ва институтларида таълим олмақда. Ушбу қиёқш йилдан йилга кучайиб борапти. Шу сабабли, Андижонда ҳинд талабалари учун махсус мажмаа яратилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, Ўзбекистонда ўқийётган бир нафар талаба йилга ўртача 10 минг доллар атрофида маблағ сарфлайди. Бу эса фақат таълим соҳасида ўтган йили Ҳиндистондан тахминан 160 миллион доллар инвестиция жалб қилинди, дейишга асос бўлади.

Шунингдек, ёшлари ниҳоятда иқтидорли. Хусусан, бугуннинг энг замонавий соҳаси сифатида эътироф этилаётган ахборот технологиялари бобида уларга тенг келадигани кам. Бунга ҳозир Ҳиндистонда 5 миллиондан ортиқ дастурчи борлиги, икки техногигант – Google ва Microsoft компаниялари бу юртга эътиборини қучайтиришни бошлагани, ҳинд мутахассисларини ўзиники қилиб олишга жиддий интилаётгани ва энг асосийси, ана шу икки рақобатчи компания раҳбарлари аслида Ҳиндистонликлар – Сатя Наделла (Microsoft раиси ва бош директори) ҳамда Сундар Пичаи (Google бош директори) экани аққол мисолдир...

Бугун Ўзбекистонда Ҳиндистоннинг тўртта университети – Тошкентда Амрити университети, Андижонда Шарда университети, Жизжақда Самбарон институтлар гуруҳи ва Бухорода Анарья институтлар гуруҳи ўз кампусини очган. Жорий йил Эра университетининг Нукус шаҳрида ва Шарда университетининг Тошкент вилоятида филиаллари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий жараёни ниҳоясига етказиш кўзланган.

Ҳурматли Президентимизнинг оқил ва доно сиёсати туфайли дунё Ўзбекистонга, Ўзбекистон дунёга очилапти. Ўзбекистонимизнинг порлоқ истиқболига ишонч ортомқда ва биз келажакда Ҳиндистон билан яқин стратегик шерикликка ҳам кўряпмиз. Бунинг учун барча зарур омишлар, кучли сиёсий ирода, мустақкам тарихий пойдевор, ўсиб бораётган иқтисодий алоқалар бор ва энг муҳими, икки халқ ўртасида самимий меҳр ва хайрхоҳлик мавжуд.

## ХАЙР, ДЕХЛИ, ХУШ ҚОЛ, ТОЖ МАҲАЛ!

Акбаршоҳ мажмуасини зиёрат қилгач, Аградан чиқиб, учинчи манзил – кўҳна Жайпур шаҳрига ҳам бордик, у ерни обдон айланиб, яна Дехлига қайтиб келдик. Дехлида бизни элчихона масъул ходими Садриддин Суяров кутиб олди. У ҳали вақтимиз бемаалол бўлгани сабабли, Дехлининг қилиб кетган диққатга сазовор бошқа жойларига олиб бориб, бизни яқиндан таништирди. Кенг тармоқли савдо мажмуаларини кўрдик. Садриддинга дилимдаги саволни бердим:

– Ҳиндистонликларнинг қайси жиҳатига ҳавас қилсак арзийди?  
– Ҳиндлар кимнингдир юз-кўзича эмас, том маънода ватанпарвар, – деди Садриддин самимийлик билан. – Бориға шукур, йўғига сабр қилдиган қаноатли одамлар. Ватаннинг шаъни, миллатининг қадри учун кўксини қалқон қилишга тайёр. Бу ерда ҳўмрайиб юрганларни қарийб учратмайсиз. Энг ҳайратланарлиси, кўчада туғилиб, бир умр кўчада яшаб ўтадиганлари ҳам тақдирдан нолимайди. Турли эътиқодда бўлишидан қатъи назар, улар қайта туғилишига ишонади. “Агар мен ҳозир сабрли бўлсам, қайта туғилганимда энг бадавлат, энг бой инсон бўламан”, деган ҳаёт фалсафаси ва ишонч билан яшайди улар.

Ҳа, бу улка – бир ярим миллиарддан ортиқ инсон учун она Ҳиндистон!

Дарвоқе, бу юртда ҳинд ва инглиз тиллари асосий, давлат тили ҳисобланаркан. Мамлакат вилоятларида яшайдиган аҳоли ичида қайси тилда сўзлашувчилар кўпчилигини ташкил қилса ва у ҳиндий ёки инглиз тили бўлмаса, ўша тил учинчи давлат тили бўларкан. Динлар эса жуда кўп, ҳар кимнинг ўз эътиқоди бор. Шунга қарамай, барча аҳил-иноқ, бир-бирига гина қилмай, тинч-тотув яшаб келмоқда.

Биз ана Ватанимиз сари йўлга чиқарканмиз, ҳинд халқининг метин сабру қаноатига, меҳнат-қашлиғига, одамларнинг қилиб юриши, тинчлиги ва бой табиигага кўз тегмасан, дедик. Дўстлигимиз абадий бўлсин, барча соҳаларда алоқаларимиз тараққий топаверсин, деб ниёт қилдик.

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

Тошкент–Дехли–Агра–Жайпур–Тошкент



Суратда: (чапдан) Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Сардор Рустамбоев, Маҳмуд Тоир, элчихона масъул ходими Садриддин Суяров ҳамда тадбиркор Асқар Бойбўсинов.

га тушдик, унинг маҳобати қошида бошимизни эгдик. Ҳиндистоннинг катта-кичик аҳли, ўнлаб чет мамлакатлардан келган минг-минглаб сайёҳларнинг чеҳрасида, сўзидаги ҳаяжон ва эътироф зоҳир.

## ТЕНГЛИКДА ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Сафар давомида Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Сардор Рустамбоев билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлганимиз саёҳатимиз мазмун-моҳиятини янада нурлантирди, десам, ҳақиқатни айтган бўламан. Аввалига элчихонамиз биноси ва унинг худудидаги улғувор гўзаллик, ўзбекона файзу тароват, элчихона ходимларига яратилган шарт-шароитлар

яна 10 га яқин маҳсулот учун ҳам рухсатнома расмийлаштиришга эришилади.

Дехли шаҳрида биринчи “Ўзбекистон” савдо уйи очилишига тайёргарлик қўрилмоқда. Ушбу ташкилот Ҳиндистон расмий идораларида рўйхатдан ўтказилди ва тез кунда ўз фаолиятини бошлайди. 2025 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда ҳинд капитали иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 341 тага етди (шундан 253 таси хорижий, 88 таси қўшма корхона). Ўтган йили Ҳиндистон капитали иштирокида 45 та янги корхона таъсис этилган.

– Бугун мамлакатимизда, – дея давом этади элчи, – Ҳиндистон билан ҳамкорликка 877 миллион долларга тенг 20 та лойиҳа амалда оши-



ОЛАМ ОЛИМИ



## Пол МИЛГРОМ

Аукционни ақл билан  
бошқаришни ўргатган  
нобелчи

Замонавий дунёда иқтисодиёт фақат рақамлар ва графиклар йиғиндиси эмас. У қарорларга таъсир қилиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва чекланган ресурсларни адолатли тақсимлашда муҳим роль ўйновчи санъатдир. Шу мураккаб жараёнларни чуқур англаб, уларга илмий асосланган ечим таклиф қилган, назарияни амалиётда реал фойдага айлантира олган ноёб олимлардан бири Пол Роберт Милграм ҳисобланади.

### БИОГРАФИЯ

Пол Милграм 1948 йил 20 апрелда АҚШнинг Детройт шаҳрида туғилган. Оғир шароитда ўсганига қарамай, болалиқдан билимга интилган, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантирган. 1970 йилда Мичиган университетини математика бўйича бакалавр даражасини аъло натижалар билан қўлга киритди. Аниқ фанларга бўлган қизиқиши уни иқтисодиётнинг назарий асосларига олиб келди. Кейинчалик Стэнфорд университетини статистика бўйича магистр, 31 ёшида эса бизнес ва иқтисодиёт соҳасида докторлик (PhD) даражасига эришди. Илмий раҳбарлиги машҳур иқтисодчи Роберт Уилсон эди.

### ЙЎЛ

Олимнинг асосий илмий мероси – аукционлар назарияси ва бозор дизайни. У иқтисодиётда кенг тарқалган куйидаги муаммоларга ечим излади: ахборот номуносивлиги, иштирокчилар манфаатларининг тўқнашуви, чекланган ресурсларни самарали тақсимлаш.

Милграм аукционларни энг юқори нарх таклиф қилган ғалаба қозонадиган жараёнга эмас, балки жамият учун максимал фойда келтирадиган механизм сифатида талқин қилди. У ишлаб чиққан назариялар асосида радио частоталар тақсими, электр энергияси бозорлари, давлат харидлари, онлайн савдо платформалари самарали тарзда қайта ташкил этилди.

### МАНЗИЛ

2020 йилда Пол Милграм устози Роберт Уилсон билан бирга “аукционлар назариясини такомиллаштиргани ва янги аукцион форматларини ишлаб чиқариш учун” иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Бу эътироф назарий иқтисодиётнинг амалий бозор ислохотларида нечоғли аҳамият касб этишини кўрсатиб берди. Устоз-шогирдининг ишлари иқтисодий сиёсат, давлат бошқаруви ва хусусий сектор қарорларига бевосита таъсир кўрсатди.

### КЎПРИК

Пол Милграм иқтисодиётни ҳаётдан узилган фан эмас, балки инсон фаровонлигига хизмат қиладиган восита деб ҳисоблайди. У рақобатни ошириш, шаффоқликни таъминлаш, коррупция хавфини камайтириш каби муҳим ижтимоий масалаларга ечим таклиф қиладди.

У фундаментал назарияни амалиёт билан боғлаб олган олимлар тоифасига кириди. Яъни, илм-фан ва жамият ўртасига кўприк солган бунёдкордир.

### ХУЛОСА

Пол Милграм замонавий иқтисодиёт фанини янги босқичга кўтарган, бозорларни илмий асосда ташкил этиш мумкинлигини исботлаган йирик олимдир. Унинг аукционлар ва бозор дизайни соҳасидаги кашфиётлари жаҳон иқтисодий тизимларининг янада адолатли ва самарали бўлишига хизмат қилди.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

СИЙМО

# Қаҳрамон ОЛИМА



Юзаки қараганда, бирор-бир олим ҳаёт йўли ҳақида ёзишнинг ҳеч мушкул ери йўқдек. Дейлик, таникли навоийшунос Суйима Фаниева (1932–2018) ҳақида ҳам...

1932 йилнинг 20 февralи куни Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 20 ёшида Ўрта Осие давлат университетининг Шарқшунослик факультетини форс тили мутахассислиги бўйича битириб, Ленинград давлат университети аспирантурасига кирган. 24 ёшида Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси бир қисмининг илмий-танқидий матнини тайёрлаш юзасидан филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган.

Агар навоийшуносликнинг мукамал библиографияси тузиладиган бўлса, бу адабиётшунос амалга оширган ишлар рўйхати китобнинг кўп саҳифасини эгаллаши аниқ. Чунки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент давлат шарқшунослик институти чиқарган “Суйима Фаниева” рисоласида 600 га яқин иш ҳақида маълумот берилган. Улар орасида 14 монография, 20 ўқув-услубий қўлланма, 350 илмий-назарий мақола бор. Шу ишлари учун унга 2012 йилда профессор илмий унвони ҳам берилган. Буларнинг бари заҳматли меҳнат маҳсули. Самарали меҳнат эса опанинг умри мазмунига айлانган эди.

Меҳнатлари давлат тарафидан ҳам юксак қадрланган. Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти, “Эл-юрт хурмати” (1999), “Буюк хизматлари учун” (2008) орденлари соҳиби, Ўзбекистон Қаҳрамони (2015).

Лекин шу маълумотларни қайд этиш билангина иш бита қолмайди-да.



“  
Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал,  
Умрнинг ҳар дами ғанимат.”

Анвар ОБИДЖОН

ЖАҲОН АЙВОНИДА

**БОШ ВАЗИР ҚАЙТА САЙЛАНДИ**  
Япония парламентида ҳукуматнинг янги раҳбари учун овоз бериш жараёни бўлиб ўтди. Унда ҳукмрон Либерал-демократик партия раиси Санаэ Такаичи қонунчилик томонидан Япониянинг 105-бош вазири этиб сайланди. Бу ҳақда “Xinhua” хабар берди.



Шу куни қақрилган навбатдан ташқари парламент сессиясида куйи ва юқори палаталар бош вазирни тайинлаш бўйича алоҳида-алоҳида овоз берди. Вакиллар палатасида Такаичи биринчи турнинг ўзидаёқ 354 та овоз билан ғалабага эришди. Унинг асосий рақиби – муҳолифатдаги “Марказчи ислохотлар иттифоқи” раҳбари Жуња Огава 50 та овоз олди.



**ЛУКАШЕНКОГА САНКЦИЯ**

Украина президенти Владимир Зеленский Беларусь етакчиси Александр Лукашенкога қарши санкциялар жорий этди, бу ҳақда Зеленский ўзининг Telegram каналида маълум қилди.

“Александр Лукашенко анчадан бери Беларусь суверенитетидан ўз шахсий ҳокимиятини устун қўймоқда ва Россияликларга санкцияларни четлаб ўтишда ёрдам бермоқда”, деб ёзади у.

**АМАЛДОРЛАР УЧУН ЧЕКЛОВЛАР**  
Қирғизистон президенти Садыр Жапаров “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунни имзолади.



дан: “Суйима Фаниева ҳали ҳаётмилар?” деб сўраган экан.

Олима катта илм мактабини ўтаган. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида ёзган илмий ишлари, у нашрга тайёрлаган асарлар, илмий анжуманлардаги чиқишлари орқали ўзбек фани ютуқларини намоён этди. У матншуносликдан ташқари, Навоийнинг насрий асарларини кенг таҳлил этган тадқиқотчилардан. Беш жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг XV аср иккинчи ярми адабиётини ўрганишга бағишланган иккинчи жилдидида “Муҳокамат ул-луғатайн” (А.Рустамов билан биргаликда), “Лисон ут-тайр”, “Навоийнинг прозаик ва илмий асарлари”, “Маҳбуб ул-қуллуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад”, “Вақфия”, “Муншаот”, “Назм ул-жавоҳир”, “Хусайн Бойқаро” (“Кириш”да) қисмларини айнан шу тадқиқотчи ёзган.

Олима илмий-ижодий фаолиятининг учинчи йўналиши – таржимонлик. У қадим ҳинд асари “Калила ва Димна”ни тожиқчадан ўзбек тилига ўлтирган. 1968 йили Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги шарафати билан Тошкентда шoirнинг 10 жилди “Асарлар”и рус тилида чиқди. 9-жилда киритилган “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад” асарларини рус тилига Суйима Фаниева таржима қилган. Маълумки, бу учала наср йўлида битилган асарда кўплаб шеърый парчалар келтирилган. Таржимон улар мазмунини ҳам рус тилида насрий йўл билан баён қилган.

Муаллимлик олиманинг яна бир севимли фаолияти ҳисобланади. Гарчи кўп йиллар Фанлар академияси институтида ишлаб келган бўлса-да, у олий мактабдан асло ажралгани йўқ эди. Тошкент давлат консерваториясида, ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик университетидида ўзбек адабиёти, матншунослик, манба-шунослик, саҳна нутқи, аруз назарияси фанларидан дарс берди.

Истиқлол йилларида она янада фаол меҳнат қилди. Ҳар бир мақоласида, ҳеч бўлмаса, бир матний янгилик келтиришга интилди, бошқалар кўрмаган қай бир манбани тилга олди. Хуллас, у Навоий даҳосидан нима ўққан бўлса, Аҳмад Ясавий таъбири билан ифодалганда, “ани оламга айтиб” келди.

Суйима Фаниеванинг шахсий кутубхонасида бошқа навоийшуносларда топилиши амримаҳол бўлган, хусусан, хори-

жий Шарқ мамлакатларида чоп этилган ноёб китоблар жуда кўп эди. Бир куни кўнғироқ қилиб, Фаридуудин Аттор қаламига мансуб “Мантиқ ут-тайр” достонининг Тейхронда илмий изоҳлари билан чоп этилган нашри қаминида бор-йўқлигини суриштириб қолди. Чунки “Лисон ут-тайр”ни “Мантиқ ут-тайр”га қиёсан ўр-наётганимни билар эди. Бошқа матбаа нусхалари бор-у, бу мукамал нашри йўқ эди. Шунинг билан биргаликда, Нусха кўчириб олдим. Ростки, қамдан-кам одамда бундай саховатни кўрасиз.

1987–2003 йиллари навоийшунослик тарихида илк бор буюк шoir ва мутафаккир асарлари тўлиқ чоп этилди. “Мукамал асарлар тўплами” деб номланган 20 жилдлик чиқди. Муаллифнинг бирор асари у ёқда турсин, ҳатто бирор сўзи ҳам тушириб қолдирилмади. Ана шу улкан нашр жилдларининг тахрир ҳайъати аъзоларидан бири – Суйима Фаниева. Бундан ташқари, жилдларни чоп этишда унинг катта ҳиссаси бўлди.

Буларнинг бари айтишгагина осон ишлар. Чунки араб ёзуви асосидаги қўлёзма матнини киритил ёзуви асосидаги алифбога ўлтиришнинг ўз машаққати мавжуд.

Биз тенги навоийшунослар учун олдингилар, яъни салафларимиз жуда катта пойдевор қўйиб кетишди. Улар даврида бу буюк зот асарлари замонавий алифбода тўлиқ чоп этилмаган эди. Улар шу ишни бажарди. Бу осон кечмади, албатта. Чунки қўлёзмалардан эринмай, яъни ҳарфмаҳор транскрипция қилиш лозим эди.

“Олим бўлсанг, олам сеники”, деган ажойиб мақолисини бор. Чиндан, опа илми туфайли Ер юзининг кўп мамлакатларига бориб келди. Қадами қаерга етмасин, миллий меросимиз намуналарини излади, топди ва нусхаларини юртимизга олиб ҳам келди. Масалан, Навоий “Куллиёт”и учун муқаддима тарзида битган “Муножот”, шoirнинг ўзи кўчирган қўлёзма девони, унинг шахсий муҳри айнан шу олима туфайли илмий муомалага киритилди.

Бир нарса ҳақиқат: Навоий ижоди уммонига бир шўнғиган ҳақиқий тадқиқотчи энди умрининг сўнгига қадрар ўз-ўзига: “Бундан кейин нима иш қилишим керак?” деб савол берди ўтирмайди. Ўрганаверади. Янгилик устига янгилик излайверади. Суйима Фаниева шундай яшади. Унинг мамлакатимиздаги қаламкашлар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган ҳозирча ягона аёл экани ҳам бежиз эмас.

Султонмурод ОЛИМ

Бу ҳақда “24.kg” хабар берди.

Қонунга кўра, эндиликда амалдорлар хорижий банкларда ҳисоб рақам очо олмайдиган (айрим расмийлар бундан мустасно). Шунингдек, амалдорлар қариндошлари бизнесига кўмаклаша олмайдиган, улар фаолиятига доир компаниялар билан иш қилолмайдиган, давлат ресурсларини шахсий мақсадда ишлато олмайдиган ва протокол совғаларидан ташқари совға олиши мумкин эмас.

**ОПЕРАЦИЯ БЎЙИЧА ТАҚИҚ**



Афғонистондаги “Толибон” ҳукумати ўқув шифохоналарида операция жараёнида эркак ва аёл тиббиёт ходимларининг бирга ишлашини тақиқлаш бўйича кўрсатма берди. Бу ҳақда “Afghanistan International” маълум қилмоқда.

Хабарга кўра, жарроҳлик амалиётидаги шифокорлар фақат эркаклардан ёки фақат аёллардан иборат бўлиши керак – аралаш ходимларга рухсат берилмайдиган. Шунингдек, жарроҳлик учун ходимларни танлашда беморнинг жинси инобатга олинмайдиган.



**ҒАЗО ҚЎРБОНЛАРИ СЕНИ ОЧИҚЛАНДИ**

Исроилнинг Ғазо секторидида олиб борган ҳарбий ҳаракати талафоти аввалги расмий кўрсаткичлардан анча юқори эканлиги аниқланди.

Дунёнинг нуфузли тиббиёт журналларида эълон қилинган мустақил тадқиқотлар натижаларига кўра, 2025 йил бошига келиб “ўзравонлик туфайли ўлим” ҳолатлари сони 75 мингдан ошгани тасдиқланди.

**АМАЛДОРЛАРГА ЧЕКЛОВ КУЧАЙТИРИЛДИ**

Хитой ҳукумати коррупцияга қарши кураш доирасида оила аъзолари хорижда истиқомат қиладиган амалдорлар устидан назоратни янада кучайтирди. Бу ҳақда South China Morning Post хабар берди.

Маълум қилинишича, 2025 йилнинг бошидан буён давлат идоралари ва компанияларида юқори мартабали раҳбарларнинг хорижий алоқаларини текшириш бўйича кенг қўламли тафтишлар ўтказилмоқда.



## МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Донишманд Йўллуғ тегин шундай битган: “Авлодларнинг биринчи бурчи ўз аждодларини унутилишдан сақлаб қолишдир. Ушанда шафқатсиз ва кудратли вақт улар устидан ҳукм юрита олмайди”. Дарҳақиқат, аждодлар номини хотирлаш миллатни улғайлади, айниқса, асоссиз қатағон қилинган, тақдири узоқ йиллар номаълум қолган шахслар, жадид боболаримиз ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номларини тиклаш бугунги куннинг муҳим маънавий вазифаларидан саналади. Ана шундай фожиали тақдир эгаларидан бири – қатағон гирдобига тортиб кетилган Низом Қозиев.

Низом Қозиев 1902 йили Андижон шаҳрининг Намуна маҳалласида туғилган. “Отам ҳақида кўп маълумотга эга эмасман, – дейди қахрамонимиз ўз кўрсатмаларидан бирида. – Чунки у менинг болалигимда вафот этган, акаларимнинг ва отамни яқиндан таниган кишиларнинг айтишига қараганда, отам Мадамин қози инқилобдан аввалги вақтларда Андижон шаҳрида таниқли диний уламо ва шариат қозиси бўлган”. Шу маълумотнинг ўзиёқ Низом Қозиев тақдирига дохил ижтимоий муҳитни англашга ёрдам беради. Инқилобдан кейинги йилларда уламолар ва диний табақага мансуб оилаларнинг мавқеи кескин ўзгариб, уларнинг кўпчилиги иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолади. Отаси Мадамин қозининг вафоти, даврнинг беқарор шароити натижасида рўзгор юки оғирлашиб, болалар тирикчилик ташвишлари билан эрта тўқнаш келади.

Низом Қозиев онаси қарамоғида улғайди. 1921 йилга доғру бой ҳўжаликларда ёлланиб ишлади. Аслида, бундай ҳолат инқилоб ва фуқаролар уруши йилларида Андижон шаҳрида кўпала оилалар дуч келган ижтимоий манзарани акс эттирди. Оила таянчини йўқотган хонадонларда энди болалар таянчга айланган, ўқидан аввал ишлашга мажбур бўлган.

Қозиев кейинчалик терговда билдириб ўтганидек, уларга отадан ҳеч қандай мол-мулк мерос қолмаган, ҳатто оила отаси ашаган уйдан ҳам чиқариб юборилган. Меҳнатдан ортиб, мадраса ва жадид мактабларида таълим олган, шунингдек, ҳисобчилик курсларини тутатган Низом Қозиев кейинчалик Андижон туманидаги Куйбишев номили колхозда бухгалтер бўлиб ишлайди. Оиласи ҳам катта эди – турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан тинч

## ФИКР УЧУН ЖАЗО



меҳнат қилиб яшашни мақсад қилган бу инсон маҳаллий жамоат орасида саводли мутахассис сифатида танилган. Бироқ 1937 йилда мамлакатда бошланган сиёсий қатағоннинг ёвуз чангали Андижонга ҳам етиб келди. Ўша йилларда инсоннинг ижтимоий келиби чиқши, жадид мактабларида ўқигани ёки айрим масалалар бўйича мустақил фикр билдиргани айблов учун етарли сабабга айланар эди.

1937 йил 26 август кунини Низом Қозиев ҳибсга олинади. Бу ҳол оила ҳаётига оғир зарба бўлди: беш нафар фарзанд отасиз қолиб, оила узоқ йиллар ноаниқлик ва хавотирда яшашга мажбур бўлди. Тергов жараёнида Низом Қозиевдан Андижонда инқилоб ва фуқаролар уруши йилларида фаолият кўрсатган гуруҳлар ҳақида маълумот бериш талаб қилинади. У ўз кўрсатмасида 1918–1922 йилларда шаҳарда турли сиёсий тўпланишлар бўлганини эшитгани, бироқ ўша пайтда ёш бўлгани сабабли, уларнинг номи ва фаолиятини аниқ билмаслигини таъкидлайди. Тергов материалларида эса унинг бу гуруҳлар билан шахсий алоқаси бўлган-бўлмаганидан қатъи назар, айрим иштирокчиларни таниши ва улар ҳақида маълумот бергани “алоқадорлик” сифатида талқин қилинади.

Кейинги маълумотномалар ва чақув материалларида Қозиевнинг хизмат жойи,

таълим олган муҳити ва танишлар доираси янада батафсил қайд этилиб, унинг жадид мактабларида ўқигани, диний уламо оиласидан экани ва маҳаллий жамоат орасида фаол мулоқотда бўлиб келгани алоҳида урғуланади. Айниқса, суҳбатларда у шаҳарда илгари мавжуд бўлган ташкилотлар ҳақида гапиргани, таниш бўлган шахсларнинг исмлари тилга олингани ҳам тергов ҳужжатларига “далил” сифатида киритилади.

Бундан ташқари, унинг колхоз муҳитида айтган айрим фикрлари ҳам айбловларни кучайтиришга хизмат қилди. Масалан, унинг колхоз ишчилари орасида ҳазил тарикасида “овқат ейишдан олдин Қуръон ўқиш керак ва ҳар пайшанба кунини Қуръон ўқиш шарт”, деб айтган гапи тергов ҳужжатларида “совет тузумига зид қарашларни тарғиб этувчи, диний кайфиятларни кўзга ташлашга қаратилган чиқиш” сифатида баҳоланади. Ёки 1936 йил май ойи охирида қойхонада “ўзбеклар орасидан кадрларни етиштириб чиқаришимиз керак, ҳозирги вақтда руслар барча ишларни эгаллаб олдилар”, деб айтгани терговда жамоат орасида мавжуд тартибларга шубҳа уйғотувчи фикр сифатида талқин қилинади. Шу тариха, Низом Қозиев иши бўйича айбловлар бошқичма-бошқич шакллантириб борилади.

1937 йил 11 ноябрдаги тергов жараёнида Низом Қозиев ишида ҳал қилувчи босқичлардан бири бўлди. Бунда терговчилар уни турли аксилинқилобий ташкилотларга аъзоликда гумон қилиб, айблов доирасини кенгайтиришга уринади. Ундан “Турон” ва “Миллий иттиҳод” ташкилотлари билан алоқадорлик ҳақида сўралганда, Низом Қозиев мазкур ташкилотларга аъзо бўлмагани, фақат ўтказилган айрим машғулотларни кузатганини билдиради. Аммо ўша йиллар амалиётида бундай изоҳлар инobatта олинмас, гумоннинг ўзи айбловни сақлаб қолиш учун етарли ҳисобланарди.

Навбатдаги чақув материалларини айнан келтирамиз: “Қозиев Низом 1937 йил август ойида Куйбишев номили колхоз чойхонаси олдида шундай деди: “*Файзулла Хўжаев ва бошқалар тенги йўқ ишчилардир, уларни ноҳақ равишда ишдан бўшатишди ва партиядан ўчиришди*”, “*Колхозларда ишчилар меҳнатдан эзлиб кетди, кечасию кундузи ишлашларига қарамасдан, ҳатто кийим сотиб олишга ҳам пуллари йўқ. Совет ҳокимияти деҳқонларга бугдой бермаяпти, колхозчилар оч қолмоқда, дукон ва бозорларда ҳеч қандай маҳсулотлар йўқ, газеталарда фақат ёлгон маълумотларни ёзишмоқда*”. Натижада 1937 йил 13 ноябрда Ички ишлар халқ комиссарлиги училиги қарори билан Низом Қозиев “советларга қарши аксилинқилобий фаолият”да айбланиб, 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинади ва жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланади.

Орадан йиллар ўтса-да, унинг тақдирини мавҳумликда қолди. Турмуш ўртоғи Раиса Валиевна йиллар давомида адолат сўраб турли идораларга мурожаат қилди. Ариза-сид эрининг айблов эълон қилинмасдан ҳибсга олингани, шундан сўнг дом-дараксиз кетганини билдириб, унинг тирикчилиги ёки қаерда экани ҳақида маълумот беришларини сўрайди. Орадан қарийб чорак аср ўтгач, 1961 йил 4 февралда Низом Қозиев расман оқланганига қарамай, унинг ҳалок бўлгани ва ёки отиб ташлангани юзасидан маълумотлар ҳанузгача тўлиқ аниқланмаган. Қатағоннинг яна бир оғриқли жиҳатларидан бири ҳам шу.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,  
тарих фанлари доктори,  
профессор

## АЗИЗ ХОТИРА



## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Порсо Хўжаев – 1877 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси ўлароқ, унинг йиғилишларида фаол қатнашганлиқда, совет ҳокимиятига қарши курашганлиқда, аксилинқилобий, миллатчи ташкилотлар раҳбарлари билан алоқада бўлиб, тарғиб олиб борганлиқда айбланган. П.Хўжаев совет ҳукумати томонидан ЎзССР Жиноят кодексининг 60–67-моддаларида кўрсатилган жиноятларда айбдор деб топилган, отувга ҳукм қилинган. 1937 йил 25 октябрда Тошкентда ижро этилган. Порсо Хўжаев 1962 йил 26 ноябрда оқланган.

Мўминжон Ҳақимов – 1896 йили Андижон шаҳрида туғилган. Жамғарма кассасида газначи бўлиб ишлаган. 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олинган. Намангандаги “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоси бўлган. Усмон Ақромий томонидан унга берилган махфий дастурни ўзида сақлаган. ОГПУнинг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 2-, 4-, 10-бандлари билан айбланиб, 10 йил концлагерга ҳукм этилган. 1989 йил 30 мартда реабилитация қилинган.

Ёқуб Омон – 1903 йили Наманган шаҳрида туғилган. “Янги Фарғона” газетасида тилмочлик қилган. “Миллий истиқлол” ташкилоти раҳбариятининг кўрсатмаси бўйича Совет ҳокимиятини қуролли кураш ва интервенция йўли билан ағдариш мақсадини олиб борганлиқда, “Ботир гапчилар” фаолиятига раҳбарлик қилганлиқда, Қўқон босмахонасидаги ишчилар орасида аксилинқилобий ишлар олиб борганлиқда, пахтачилик бўйича дастурни барбод қилишга қаратилган ишчи-деҳқонларни қўлла-қувватлаганлиқда айбланган. У 1930 йил 31 январда ҳибсга олинган. РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4-банди ва 10-моддасига биноан ОГПУ коллегиясининг 1931 йил 25 апрелдаги йиғилишида 10 йил муддатга концлагерга ҳукм этилган. Ёқуб Омон 1989 йил 4 апрелда реабилитация қилинган.

Тургун Парпиев – 1908 йили Қўқон шаҳрида туғилган. ЎзССР Ленин комсомоли иттифоқи аъзоси бўлган. Фарғона шаҳридаги педагогика техникумида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1930 йил 31 январда қамоққа олинган. Ўзбек педагогика техникумидаги ёшлар орасида миллатчилик ишларини олиб боришда, “Қур-қаламуш” номили ўқувчиларнинг яширин газетасини ташкил этишда, унинг атрофига миллатчи кайфиятдаги ёшларни бирлаштиришда ва “Ботир гапчилар” ташкилотига аъзо бўлганлиқда айбланган. РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4-банди ва 11-моддаси асосида 1931 йил 25 апрелда ОГПУ коллегияси томонидан 5 йил муддат билан концлагерга сургун этилган. 1989 йил 4 апрелда реабилитация қилинган.

Ғулум Икромов – 1884 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Компартиясининг собиқ аъзоси. Хўнарсандчилик сонаот уюшмаси раиси бўлган. 1930 йил 17 июнда қамоққа олинган. Аввалда Тошкент “Училиги” ва бир вақтнинг ўзига ЎзКомпартия аъзоси бўла туриб, “Миллий истиқлол” фаолиятига раҳбарлик қилганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган. Мунаввар қори Абдурашидхон билан боғланишга уринганлиқда, Афғонистон консуллиги билан алоқа ўрнатганлиқда, мазкур коллекторларга ташкилотнинг молиявий ресурсларини ҳал қилиш мақсадида ўзи масъул бўлган меҳмон уйдан бошлана беришга рози бўлганлиқда айбланиб, РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 3-, 4-, 6-бандларига асосланиб, 1931 йил 25 апрелда ОГПУ коллегияси томонидан отувга ҳукм этилган.

Азизбек МАҲКАМОВ,  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,  
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).

## ҚАЙТА НАЗАР

ник — сумвар, вторник — мангалвар, среда — будвар, четверг — брихаспатвар, пятница — шукрвар].  
В наших землях принято делить сутки на двадцать четыре части, каждую из которых называют часом, а каждый час делят на шестьдесят частей и называют каждую из них минутой, так что в сутках получается четыреста сорок минут. В течение 1 минуты можно приблизительно ||

328 • Бобурнома

Ҳиндустонликлар кунларга ҳам ном қўйганлар: шанба – саничар; якшанба – айтавар, душанба – сумвар; сешанба – мангалвар; чоршанба – будвар; пайшанба – брипаствар; жума – сукрвар.  
Бизнинг ўлкаларда кеча-кундузни йигирма тўрт қисмга ажратиб, ҳар бир қисмини соат дейишади ва ҳар соатни олтимиш қисмга бўлиб, ҳар бирини дақиқа деб атайдилар. Бир кеча-кундуз минг тўрт юз дақиқа (минут) бўлади. Бир дақиқанинг миқдори тахминан олти марта «Фотиҳани» («Фотиҳа» сурасини) «бисмиллоҳ» билан ўқиш вақтига тенг келади, бир кеча-кундуз эса «Фотиҳани» «бисмиллоҳ» билан саккиз минг олти юз кирк марта ўқиш вақтига тенг келади.



## ЙЎҚОЛГАН “ҚИРҚ ДАҚИҚА”НИ ҚИДИРИБ...

“Jadid”нинг кечаги сониди “Бобуроно дақиқа” номли митти мақолам босилди. Чиққан мақоламни баъзан қайта ўқиш оdatим бор. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ўқидим-да, бир нуқтада тўхтадим. Физика-метематика муаллими раҳматли отамдан ўтган одат: сон, рақам, сана, соат, дақиқа ва уларнинг тўғри-нотўғрилигини гоҳида текшираман. Мақолани таҳририятга юборишдан аввал қилишим лозим бўлган ишни кейин қилдим...

Бобур ҳазратлари айтган бир кеча-кундуз, яъни йигирма тўрт соатда қанча дақиқа борлиги ҳисоб-китобини қўлмиёга солдим. Йигирма тўрт соатни олтимиш дақиқига кўпайтирдим. Бир минг тўрт юз кирк (1440) сони пайдо бўлди. Мен эса мақолада “минг тўрт юз” тарзида “қирқ”ни киркиб ёзган эканман. Узимдан хижолат бўлдим. Ҳаловатим йўқолди. Дарҳол “Бобурнома”дан кўчирма олганим ўша саҳифани излаб топдим. Мендан эътиборсизлик ўтибди, ҳисоб-китобини, кўпайтирув амалини аввал бажаришим лозим эди. Аммо китобда хато бор экан. Рақамлар мен ёзганча “минг тўрт юз дақиқа” тарзида турибди. Мана, ўша кўчирма: “Нечуким, бизнинг вилоятлар истилоҳида кеча-кундузни йигирма тўрт қисмга қилиб турлар, ҳар қайсисини бир соат дебтурлар ва ҳар соатни олтимиш қисмга қилиб турлар, ҳар қайсисини бир дақиқа дебтурларким, бир кеча-кундуз минг тўрт юз дақиқа бўлғай...” Бунда “қирқ” кам, бунда “қирқ дақиқа” йўқ. Излаб кетдим. “Бобурнома”нинг 2024, 2019, 1989, 1966 ва ҳатто 1949 йилги нашрларида ҳам “минг тўрт юз” сони бор, аммо “қирқ”и кам, ҳисобга “қирқ дақиқа” етмай турибди. 1992 йилда босилган рус тилидаги таржимасига қарасам, ўзбек тилидаги нашрларда “қирқ” етмай турган бўлса, унда “тўрт юз кирқ дақи-

қаси” бор, аммо энди “минг” йўқ: “В наших землях принято делить сутки на двадцать четыре части, каждую из которых называют часом, а каждый час делят на шестьдесят частей и называют каждую из них минутой, так что в сутках получается четыреста сорок минут” (299-бет). Мана, сизга арифметика! Ана сизга кашфиёт – эврика!

Азизлар, ўзбек тилида мен кўрган ва кўчирган матнда “қирқ дақиқа” хато бўлса, рус тилидаги таржимасида “минг”га адашилибди. Бир суткани “тўрт юз кирқ” минут деб беришибди. Аммо давомидан ёзилган “Фотиҳа”ни “Бисмиллоҳ” билан олти марта ўқишга доир ҳисоб-китоб ўзбек тилидаги нашрида ҳам (“бир кеча-кундуз саккиз минг олти юз кирқ навбат “фотиҳа”ни “бисмилло” била ўқугунча бўлғай”), рус тилидаги таржимасида ҳам (“таким образом, за сутки прочтешь фатику с бисмиллою восемь тысяч шестьсот сорок раз”) деб тўппа-тўғри ёзилибди. Ундан олдинги ҳисоб-китобда, Ҳазрати Бобурнинг эмас, бизнинг, таржимачи ва таъдилчиларнинг “айбгинаси” бор, деб ўйладим. Қомусий билимга эга Бобур оддий кўпайтма амалларида хато қилиши асло мумкин эмас. Қолаверса, “қўйни тўла сир бўлган” (М.Юсуф) математика фанига доир оддий амалларда турли тахминий талқин ва таҳлиллар ўтмайди. Математика калнинг телпаги ёки манқанинг милтиғи эмас. Бу гап сизга тушунарсиз, биламан. Аммо мавриди келиб, сунъий, беўхшов ўхшатиш ва қиёслар ҳақида бирор мақола ёзганимда бу ривоятнинг тафсилотини баён қилсам керак. Ҳозир эса...

Нима қилса бўлади? Уйлаб-уйлаб манбалар билимдони Олим Олтинбекка қўнироқ қилсам: “Ўзбек мумтоз ёзувидаги нашрини, факсимилесини топмоқ керак”, деди. Мақсад ҳам шу; ўринли маслаҳат. Шу орада нодир китоблар хазинабони, китобхўр андижонлик ёш олим Искандар Матғозиев ёдимга тушди. Дардимни ёздим. Барака топ-

син. Орадан бир дақиқа ўтмай манба келди. 1857 йили рус мусташирки Николай Ильминский Қозон шаҳрида Қозон университетини босмахонасида арабий – ўзбек мумтоз ёзувида нашр қилдирган ноёб “Бобурнома” қўлимга етиб келди. Тилло топгандек қувондим. Электрон шаклдаги манбадан излай бошладим. Мана, 1525 йилги ҳинд замини тафсилотлари... Мана, ҳиндларнинг ҳафта кунларини номлашлари ва ундан кейин юракни ҳовучлаб, “Бобурдан хато ўтмаган бўлсин”, деган юз минг тавалло билан 374-бетини секин-секин ҳарфма-ҳарф синчиқлаб ҳижжалаб ўқий бошладим: “...ҳар соатни олтимиш қисмга қилиб турлар, ҳар қайсисини бир дақиқа дебтурларким, бир кеча-кундуз минг тўрт юз кирқ дақиқа бўлғай...” Мана, сизга йўқотганим – “қирқ” сони. Йўқотилган “қирқ дақиқа” бир юз етмиш йил нарида Н.Ильминский томонидан босилган “Бобурнома” нухсасидан топилди!

Кимгадир бу битта сўз, битта рақам – сон арзимаган бўлиб туюлиши мумкин, бироқ менга жуда-жуда муҳим кўринди.

Дарвоқе, бу “қирқ” сони бошқа тилга таржималарда ҳам ўтиб кетган бўлса керак, деган ўйга бордим. Уларни ҳам бир таққослаш керакдир балки.

Текширувларим, изловларим туғанчига етди. Йўқолган “қирқ”ни қидириб топиш ортидан икки хулоса чиқардим.

Биринчидан, шу “қирқ” сони “Бобурнома”нинг ўзбек тилидаги қайта нашрларида, албатта, ўз жойига қўйилмоғи лозим.

Иккинчидан, адабиётчи, филолог-матншунос, ўзбек адабиёти манбалари таржимони, муҳаррир ва мусахҳчилар учун ҳам арифметик тўрт амални билиш возиб. Бу маломат ва танбех бошқаларга эмас, балки, энг аввало, ўзимга тегишлидир.

Баҳодир НУРМУҲАММАД



## САЁХАТНОМА

# “ЖАЙХУН ОРТИДАГИ ЎЗБЕК БОЛАСИ...”

## “БОБУРНИ СЕВГУЧИЛАР КУНИ”

14 февралда Кобул кўчалари гулдаста кўтарган, юраксимон шарлар тутган кишиларга тўлиб кетди. Ҳамма ҳазрат Бобур таваллудининг 543 йиллигини кўтаринки кайфиятда нишонлаётгандек туйулди менга.

Бир гуруҳ ёшлар “Боғи Бобур”га йиғилди. Биров ҳиндча гулчамбар кўтарган, бирови улуғ шоирнинг янги шоҳона суратини намойишкорона кучганча маҳзун одимлаган (албатта, унинг ҳам гардиши гуллар билан безалган), бириси қабр тош усти ва атрофига атиргул барглари сочала қилган... Бош

лоҳазаларини билдириб ўтди ва айни дамда кўп муҳокамаларга сабаб бўлган Мозори Шарифдаги чорраҳага ҳазрат Алишер Навоий номи берилгани, у ерда ўрнатилажак ёдгорликка тамал тоши қўйилгани билан йиғилганларни қизгин қутлади.

Тадбир ўтказилаётган жойга кириверишда иккала даҳонинг турли тиллар ва ёзувларда чоп этилган асарлари, Ўзбекистонда фаолият олиб борадиган ойнома ва ҳафталик нашрларнинг Навоий ва Бобурга оид сонлари қўйилган.

Хотира кечасида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этиб, мазкур йиғиндан махсус барқнома (кўрсатув) тайёрлади.



кийимлар ранго-ранглик касб этган: ҳиндий салла, афғонча каллапўш, пуштунча шол қалпоқ, тўрли-тўрли куфи, қорақўл қалпоқ, катак-катак лунги, читрели пакол, ҳазора дўпписи, балоч салла, туркман теллақ, имом салла, мамлакатнинг шимолий ҳудудларида расм бўлган қизил рангли ўзбек дўпписи ила – ҳаммаси бир сағана атрофида жам бўлиб, узундан-узоқ қироат қилишди... Яна бир гуруҳ хорижийлар бор эдиким, уларни покис-тонлик мўғуллар атаб, алоҳида ҳурмат бажо келтирдилар. Меҳмонлар “Ўткан кунлар” фильмдаги Отабекка ўхшаш кийимда – бироз катта, мўйнали, оқ тумоқни бошга кўндирган, эғнида курк, яъни, ички томони кўзи терисидан ишланган, усти жигарранг, силлиқ чопон кийиб эди. Муборак қабр атрофида йиғилганлар, аввало, ўзбекча, кейин форсий, даришча узундан-узоқ нутқ ирод этдилар.

Шундан сўнг, одмироқ тўйхонада Ўзбекистоннинг Кобулдаги элчихонаси ва маҳаллий ўзбеклар ташаббуси билан ташкил этилган “Буюк мутафаккирларимизни эслаб” номли хотира кечаси ўтказилди. Унда муҳтарам элчимиз – Ойбек Усмонов ҳам иштирок этиб, улуғ аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий ҳазина ҳақида ўз му-

Эртаси кун Фарёб вилояти Андхўй туманида жойлашган “Янги йўл” хусусий ўрта таълим мактаби ташаббуси билан худди шу мазмундаги йирик тадбир бўлиб ўтди. Маълумот учун, мазкур мактаб Афғонистондаги ўзбек тилида фаолият олиб борадиган санокли ўқув муассасаларидан бири ҳисобланиб, унда минг икки юз ўқувчи таҳсил олади. Фарзандлари она тилида ўқишни истаган ота-оналар ойна-гина минг афғони (қарийб икки юз минг сўм) тўлов қилади. Мактаб асосчиси Зикрилло Раҳимий бизни мактабдаги шароитлар билан таништирди. У ерда барча замонавий фанлар махсус ўқув қуроллари ёрдамида ўргатилади. Директор ўринбосари Асадулло Башошнинг сўзларига кўра, бу ерда дарс берадиган ўқитувчиларнинг аксарияти, хусусан, ўзи ҳам бир неча йиллар давомида Тошкент ва Термиз шаҳарларида таҳсил олган, шунинг учун ҳам мактабдаги таълим сифатини имкони борича Ўзбекистон даражасига олиб чиқишни режа қилишган.

Шу мактаб ўқувчилари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирга пухта тайёрларик қўрилгани сезилди. Адабий-маърифий кечадан хабар топган кексаю ёшга каттагина тўйхонадаги ўринлар етмай қолди. Шундай бўлса-

да, қарийб уч соат давом этган анжумани тик оёқда кўрганлар ҳам анчагина эди. Аввалроқ, мамлакатнинг турли шаҳарларида “Ўзбек тили ва мутафаккирлари учун тадбир ўтказишда ҳеч ким фарёблиқларга етолмас”лиги ҳақида кўп эшитгандим. Гаплари рост экан. Етти ёшдан етмиш ёшгача Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларини аруз қондаларига мувофиқ тарзда ёддан ўқиган адабиёт илхосмандларини кўриб кўзим қувнади. Ҳар қанча куй-қўшиқ, шеър айтиш таъқиқланган бўлса-да, бир давра бўлиб, жўрликда боболаримиз сатрларини куйлашди. Мана буну назму наво кечаси дейдилар! Мана буну жасорат атайдилар!

Албатта, тадбирда бошловчилик қилган қизгина ҳали тўққизга тўлмагани, аммо буй-бастидан каттароқ кўрингани учун тадбир ташкилотчиларини маҳкамага қақиртириб, сўроқ-савол қилишгани ҳақида бу ерда ёзиб ўтиришим шарт эмас...

## “КОЛУМБДА БОР АЛАМИМ МАНИМ...”

Орада қадимий Ғазнага бориб келишга ҳам улгурдим. Кобулдан кета-кетгунча тоғ экан, усти-боши қор экан. Пасту баланд, лой-у тупроқ кўчалар оралаб кутилган манзилга етдим.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний қадимги Хоразмнинг Кат қишлоғида туғилган. У қомусий олим бўлиб, 150 дан ортиқ асар ёзган. Хусусан, астрономия, математика, геодезия, тарих, этнография, табобат каби фанларни чуқур билган. “Минералогия”, “Қонуни Масъудий”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндустон” асарлари машҳур.

Тарихни кўринки, ҳукмдорлар фақат табиий бойликлар илинжида ёки



хавфсизлик учунгина ўзга юртларга юриш қилмас экан. Масалан, Маҳмуд Ғазнавий йиллар давомида ўз салтанатида ҳам “Маъмур академияси” бўлишини жуда-жуда истаган ва 1017–1018 йилларда қадимги Хоразмга кўшин тортиб, у ердаги олимларни мажбурий тарзда пойтахтга келтирган.

Улар орасида Беруний ҳам бор эди. Кейинчалик буюк олим ғазнавийлар султони ҳомийлиги остида жаҳоннинг бир неча мамлакатларига сафар уюштириб, илмий тадқиқотлар олиб боради. Биргина Беруний эмас, саройда дунёга машҳур “Шоҳнома” муаллифи – Фирдавсий, Берунийнинг шогирдлари, хусусан, Абу Наср Мансур, ўз даврининг машҳур шоирлари Унсурий ва Асҷадий каби олим қалам аҳли бир муддат яшаб, ижод этган. Ҳозир уша

сарой ва қалъадан фақат тупроқ тепаликлари ва харобалар қолган. Унга ҳам маҳаллий аҳоли уй қуриб, ҳовли қилиб олибди.

## “МАНИ ЙЎҚЛАР КИШИМ БОРМУ?”

18 февраль, чаҳоршанба, рамазон ойининг биринчи кунини (Афғонистон мезонига кўра) Андхўйдан Таҳҳор сари йўлга тушдик. Сафарнинг энг машаққатли қисми мутасаввуф шоир Бобораҳим Машраб зиёрати бўлди. Кўликда 600 км йўлни 15 соатда босиб ўтдик.

Тонг-саҳар отландик. Қаршимизда барқашдай қуёш замин узра илк нурларини сочмоқда эди. Пешинга яқин Хулум довоғига етдик. Мўтар (машина)дан тушиб, саҳросифат яланглик ва майн қумли тепаликлар узра эсаётган шиддатли шамолга қулоч ёздик. Фарёблиқлар бирдан чанг-тўзон кўтарилса, “Нима бало, Хулум девонани шамоли келдими”, дейишаркан.

Равон йўллар тугаб, аввал Ҳиндикуш тизмасининг шимолий тармоқлари, кейин Хўжа Фор ва Фархат водийси тоғлари кўринди. Ва тўсатдан... йўл йўқолиб қолди. Лалмикор ерларда тарвақайлаб кетган йўлсимон тармоқларда машиналар салкам ўмбалоқ олиб юрибди. Бир кескин баландлаб кетамиз. Тушишда улловимиз ён томонга чунонам оғадик, ҳали-ҳали думалаб кетишдан бери бўлиб юрамиз. Қўқисдан қаршимизда улкан жарлик пайдо бўлиб, оёқ илганча ҳай-ҳайлаб қоламиз. Адашганимиз аламидан анчиқ табассум қилиб, от бошини орта бурямиз. Тагин меҳнату машаққату сарсонлиг...

Кундуз вилоятига етганда қош қорая бошлади. Шу ерлардан бошланган Хонобод, Оқтош, Кундуз дарёлари

бориб-бориб Амударёга қуйиларкан. Атрофда шолдан бўшаган ерлар, бугдўй кўккарган экинзорлар...

Таҳҳорга борганда “оғиз очар” бошланиб қолди. Шу ерлик йўлбошимиз кутиб олиб, бизни бир ўзбекнинг ифторига бошлади. Дастурхон бошида йиғилганлар мақсадимиздан воқиф бўлгач, такалуф ила “Ошдан олинг, қариндош! Сизни Шоҳ Машраб меҳмон қилаяпти!” дейишди... Бу ерларда дастурхон устига оёқ босиб юришга ижозат бор. Меҳмонлар орасидаги 5-6 ёшлар чамасидаги бола кўрпачадаги милтиққа ёпишди. Чоллар унинг қуролсеварлигидан мириқиб қулишди. Қизикон болакай эҳтиёт шарт, ўқдонни олиб қўймоқчи бўлган отаси устидан бобо-

ларга шикоят қилди. Енгил қулги кўтарилди.

Дуодан сўнг кўзгалдик. Олдинда пасту баланд ва йўлсиз қишлоқлар оралаган икки соатлик йўл кутиб турибди.

Тунги соат ўнларда қадимий Искандар қишлоғига етиб келдик. Маҳаллий кўмондон ҳар аҳтимолга қарши бизга бир аскар берди. У эса Бобораҳим Машраб номи билан аталуви кўча ва қабристон сари бошлади.

Бир йил аввал қурилган мақбарга минг ҳаяжон билан кирдик. Мезонлардан бу ҳақиқатан ҳам Шоҳ Машраб қабрими, дея қайта-қайта сўрадик. Ишонтириш учун, бино тепасидаги пешлаваҳага фонар тутдилар.

Кўнглимиз бир ёқли бўлгач, ичкари-лаб, ҳазратимизни зиёрат этдик.

Қоронги бўлгани учун саккиз телефондан ёруғлик тарқатиб, тасвирга олдим. Шу тариқа “Сафарнома”м ҳаётимдаги бебаҳо кадрлар ва хотиралар билан бойиди.

Қайтдик. Шу бўйи Ҳайратон кўпригича тонготар гурун бўлди. Очиғи, афғонистонлик ўзбекларнинг ҳар бири умрида бир марта бўлса ҳам Ўзбекистонни кўриш орзусида яшайди. Юртимизга тижорат ёки ўқиш мақсадида келиб-кетганлари у ерда доим мақтаниб юради. Эркинлигимиз, замонавий фикрлашимиз, диний мўътадиллик, маданий-маърифий тадбирларимиз, куй-қўшиқ ва хурсандчиликка бой кўнларимизга ҳавас билан қарайдилар. Мамлакатимиз раҳбарининг хайрли ташаббуслари, юртимиздаги эзгу амалий ишлар, янгилинишлар, тадбиркорлик, ижодкорлик ва шу каби кўнлар соҳалардаги ютуқларимиз ҳақида ҳавас билан гаплашишни хуш кўришадим.

Аёлларга берилётган имкониятлар, хотин-қизлар таълими ва эркинлигини мактаган инсонларни кўп учратдим. Умуман олганда, Афғонистон халқи тинчлик ва адолатни севади, қадрлайди, дунёнинг бошқа эллари каби ривож топишни чин дилдан истаиди. Дарёнинг нариги томонидан келган тилдошларимизни афғон аташимиз уларни энг кўп ранжитаркан. Биз Амир Темур, Навоий, Бобур давридан анча аввал ҳам шу тупроқларда яшаган ҳақиқий ўзбекларимиз, бизни ўз номимиз билан атанг, дея ёзгирган кўп бўлди.

## “ИСТАРМ, ЕТСАМ ҚҮЮНДЕК ГҮЛЗОРИМ ҚОШИҒА...”

Ушбу сафар менга ниҳоятда кўп нарсани ўргатди. Аввало, Ўзбекистонда тинч-осойишта кечаётган ҳар кунимиз, ўзимизда борини қадрлаш ва асраш шартлигини чуқурроқ англадим. Юртимизда ҳаракатчан, қонунга амал қилган, нияти пок бўлган ҳар ким тиланга муродига етиши мумкин.

Жонажон Ўзбекистон тупроқларига қайта қадам босарканман, қалбимда чексиз ҳаяжон ва севинч, фикримда аллақандай ёруғлик барқ урди. Аждодларимиздан мерос қолган муқаддас маконни асраб-авайлаб, унинг ривожига, кичик бўлса-да, ҳисса қўшиш энг олий саодат эканлигини тўла англадим!

Шаҳриёр ШАВКАТ  
Андхўй – Таҳҳор – Термиз

## ТИЛБИЛИМ


## “ЕТТИ ИҚЛИМ”

ИБОРАСНИ БИРИНЧИ БЎЛИБ КИМ ҚўЛЛАГАН?

Биз иқлим сўзини кўп ишлатамиз. Айниқса, кейинги пайтлардаги иқлим ўзгаришлари сабаб бўлиб, бу сўз жонли тилда ҳам, оммавий ахборот воситалари тилида ҳам янада фаоллашди.

Хўш, иқлим сўзининг тарихи қандай? Тилимиздаги ноёб иборалардан саналган етти иқлим бирикмаси қандай пайдо бўлган?

Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобининг охиридаги изоҳларда шундай бир маълумот бор: “Иқлим – юнонча klima – “оғиш” сўзидан олинган. Птолемей ўз “География”сида Ер шарқий яримшарининг шимолий ярмини саккиз иқлимга ажратган бўлиб, бу иқлимлар Ер экваторига параллел зоналар эди (Муҳаммад ал-Хоразмий. Танланган асарлар. 250-бет). Лекин ал-Хоразмий ўзи тўплаган маълумотлар ва маҳаллий аъёнларига асосланиб, иқлимларнинг сонини биттага камайтиради ва фан тарихида биринчи марта адабиётга етти иқлим тушунчасини китирди”.



“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да араб тилидан тилимизга кирган иқлим сўзи “минтақа”, “худуд”, “ўлка”, “об-ҳаво”, “муайян жойнинг ўзига хос, ҳар йили тақдорланувчи одаддаги об-ҳаво шароити” маъноларида изоҳланган. Бу изоҳда иқлим сўзининг араб тилига юнон тилидан (klima) кирганлиги айтиб ўтилган.


“Навоий асарлари луғати”да иқлим сўзига шундай шарҳ бор: минтақа, қилъа, (қуруқликнинг бир бўлгани). Ҳаммасини етти иқлим деганлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобурда ҳам бу сўз шу мазмунда қўлланган.

Хўш, иқлим сўзининг қадимги туркий тилда муқобили бўлганми? Биз тоғ иқлими, денгиз иқлими бирикмаси билан урғунда тоғ ҳавоси, денгиз ҳавоси бирикмаларини қўллаймиз. Лекин ҳаво сўзи ҳам асли арабча. Қадимги туркий тил билгимдони, устоз Ҳамидулла Дадабоевдан бу ҳақда сўрадим. Ҳамидулла ака менга қуйидаги маълумотларни ҳавола қилди: Иқлим сўзи адабиётимизда илк бор Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қўлланган. “Бу китоб қаю падишаҳқа йа иқлимқа тээди эрса...”

Ўзлашманинг маъноси Энасой обидалари ҳамда Турфон матнларида қайд этилган йер суб / йер-суб бирикмаси англамига муайян даражада мос тушади. “Қадимги туркий тил луғати” (ДТС)да yer sub (ер-суб) “материк”, “Ер” маъносига изоҳланади. (257-бет)

Демак, 783–850 йилларда яшаб ўтган ал-Хоразмий етти иқлим тушунчасини илм-фандаги (арабча) адабиётларга биринчи бўлиб олиб кирган бўлса, XI юзйилликда яшаб ижод этган Юсуф Хос Ҳожиб иқлим сўзини туркий тилдаги ёзма бадий адабиётга олиб кирган.

Эшқобил ШУКУР



“  
Ҳаётнинг ягона мазмуни инсониятга хизмат кўраётганидан иборат.  
Лев ТОЛСТОЙ

Jadid  
adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:  
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:  
Гулчеҳра Умарова

Адади – 18 727

Шундан:  
Кирилл ёзувида – 6 618  
Лотин ёзувида – 12 109  
Медиа кузатувчилар – 85 061  
Буюртма: Г – 239  
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.  
Нашр кўрсаткичи – 222.  
Ташкилотлар учун – 223.  
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров  
Нигора Тошева



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани,  
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20  
Девонхона: (97) 745-03-69  
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17  
Jadid\_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00  
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҲЛЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ